

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),  
Н. ТҶҲЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

**А. Мадвалиев таҳрири остида**

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”

Давлат илмий нашриёти

Тошкент

Эслатма: Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадларда фойдаланиш (сотиш, кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.



**ЙИГ** қ. дуг.

**ЙИГИРМА 1** 20 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Йигирма киши. Йигирма кун. Йигирма литр сут. Йигирма сўм. Йигирма туп кўчат.* ■ У кўришида уятчан, йигирма яшар йигит эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Дадам асли ўша ерлик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин бу ёққа келиб қолган..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат.

**2 этн.** Киши вафотидан сўнг ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кунни ўтказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсари. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатми қуръон деб, анча чиқимдор бўлганга ўхшайди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Одатга мувофиқ онамнинг йигирмасини ўтказаман, деб бор-ўйқ пулларимдан ажралдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришилари.

**ЙИГИРМАНЧИ 1** Тартиб қаторига кўра нарсанинг 20 рақами билан белгиланган ўрин кўрсаткичи. *Йигирманчи уй. Йигирманчи аср.*

**2** Оёқ кийимларининг ўн тўққиздан катта, йигирма бирдан кичик ўлчам рақами. *Йигирманчи туфли. Йигирманчи пайпоқ.*

**3** Шартли равишда 20 та шам ёруғлигига тенг деб олинган ёруғлик ўлчами. *Йигирманчи фонарь. Йигирманчи чироқ.*

**ЙИГИРМОҚ** Табиий (ўсимлик, жун ва ипакдан олинадиган) ва сунъий (кимёвий йўл билан олинадиган) толаларни эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Ип йигирмоқ. У ҳар сме-нада беш тонна ипақ йигиради.*

**Чарх йигирмоқ** Чархда толани тозалаб, эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Найманча —*

*азалдан косиблар маҳалласи.. Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**ЙИГИРУВ 1** Йигирмоқ фл. ҳар. н. *Инни йигирув.*

**2** Йигириш иши. *Йигирув, тўқув, читга гул босиш фабрикаларида янги.. дастгоҳлар гумбураб юриб турибди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ЙИГИРУВЧИ** Йигирув жараёнини бошқарувчи, йигириш билан шугулланувчи шахс, мутахассис. *Йигирувчи қиз. Йигирувчилар бригадаси.* ■ Кампирнинг келинини танир эдим. У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигирувчиси эди. «Муштум».

**ЙИГИТ 1** Жинсий ва жисмоний жиҳатдан вояга етган эркак. *Уларнинг бири йигирма ёшлардаги қотма, хипча йигит эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** Умуман, ёш эркак, ёш киши. *Мана шу ерда МТС ташкил қилинди-ю, бунга ўша пахта заводиди ишлайдиган бир йигит каттакон бўлиб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**3** *кўча* Эр киши, жасур одам, мард. *Йигит сўзидан қайтмас, арслон — изидан. Мақол. Эр йигит бошига иш тушганда синалар.* Мақол. *Йигитнинг моли ерда.* Мақол.

**4 с.т.** (эгаллик кўшимчаси билан) Қизнинг кўнгил кўйган кишиси, севгилиси. *Ҳой, менга қара, сенингча, йигити бор қиз биров билан гаплашмайдимиз?* Шухрат, Шинелли йиллар.

**5** Бирор ҳарбий тўдага, гуруҳга мансуб бўлган эркак киши. *Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгандан кейин, Камолон тарафидан бир юз*

чамалик саркарда ва йигитлари билан Азизбек кўринди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**6** Ўзига нисбатан ёши кичик кишига мурожаат қилишда қўлланади. *Йигит, бу йўл қайёққа олиб боради? ■ Хай, ут йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди..* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИГИТБОШИ** эск. Бирор ҳарбий тўда ёки гуруҳга (йигитларга) бош киши, бошлиқ. *..жаноблари Раҳмонқул қўшинини ўз ҳимояси ва идорасига олдилар. Энди унга сиз каби, Комил афанди каби йигитбошилар керак.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЙИГИТЛАРЧА** Йигитларга хос, мардона, мардонавор. *Йигитларча ишламоқ.*

**ЙИГИТЛИК 1** Эр жинсидаги шахснинг балоғатдаги даври, балоғатга етган даври. *У йигитлигини дарбадарликда ўтказиб, Андижондан Бухорогача пиёда кезган.. барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёшсан, соғсан, ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир шўхлик йигитликда ярашади, болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Шахснинг балоғатга етган, йигит даврига хос. *Йигитлик ғурури. ■ Оғир, вазмин йигит. Офтоб тиғида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Йигитликнинг шўҳ ҳаваслари юракда бир лаҳза чайқалиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Йигитга хос мардлик, довураклик, жасурлик. *-Жуда яхши, жуда соз бўпти, асл йигитлик қилибсиз – деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқиб.. югуриб келаётганим-да, бек ака.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**4 айн. йигитчилик.** *Сен ҳали ёшлиқ қиласан. Йигитлик эмиш. Шу ҳам гап бўпти-ю.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИГИТЧА** рвш. Йигит сингари, йигитга хос, йигитдек; мардона. *Бир йигитча иш қилмоқ. ■ Қиз тўн, дўпни кийиб, белбоғ боғлаб, йигитча ўйинга тушди.*

**ЙИГИТЧА 1** Йигит 1 с. кичр-эркл.

**2** Ёш йигит, ўсмир, ўспирин. *Шу баҳорда ўзи ўлиб кетди. Қўлдан иш келадиган битта йигитча ўғли бор, қолганлари чурвақа.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йигитчанинг шу «хон» деган қўшимчасида «менинг Зебинисам» деган маънода бир мақтаниш, бир гурур оҳанги бор эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**3** Ўзига нисбатан ёши кичик йигитга, ўсмирга мурожаат қилишда қўлланади. *Э, э, йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи! А. Қаҳҳор, Ўжар.*

**ЙИГИТЧАСИГА** рвш. Йигитларга ўхшаб, йигитлардек. *Йигитчасига ишламоқ. Йигитчасига қадам ташламоқ.*

**ЙИГИТЧИЛИК** Йигитликда бўладиган хатти-ҳаракат, юриш-туриш. *-Бўлғуси қай-натамизнинг кичкина боғлари бор эди. Йигитчилик экан-да, бозор кунги ғира-шира маҳалида уч паҳса девордан ошиб тушдим, – деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЙИГИТ-ЯЛАНГ** Эрак жинсидаги ёшлар, ёш кишилар, йигитлар. *Самоварга келувчи йигит-ялангнинг чаккасида лола гулларни кўриб қолдим.* Ҳ. Фулом, Тирилган мурда. *Кейинги кунларда маҳалла йигит-яланглари ўртасида янги гап тарқалди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЙИГНА** с. т. Игна.

**ЙИГЧИ** қ. дукчи. *Келинг, ўша ҳунарларни мен бир-бир санай, сиз эшитинг: тақачи, темирчи, йиғчи, заргар.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**ЙИЛ 1** Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати; ўн икки календарь ойига тенг вақт, шундай вақтга тенг ўлчов. *Ўтган йил. Бу йил. Йилнинг тўрт фасли. ■ 2006 йил учун обуна давом этмоқда.* Газетадан. *Бу йил ёгин-сочин кўп бўлиб, ер-қўк чамандай яшнаб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Бирор ҳодиса, воқеа юз берган кундан бошлаб ўтган ўн икки ойлик вақт. *Унинг ишга кирганига беш йил бўлди. ■ Учинчи отам билан икки йилча яхши туришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

**3** Ўн икки ойлик вақт билан ҳисобланадиган календарь тизими. *Милодий йил. Ҳижрий йил. Кабиса йили. Қуёш йили. Ой йили. Қамария йил ҳисоби.*

**Академик йил айн. ўқув йили.** **Йил ўн икки ой с. т.** Йил бўйи, бутун йил давомида. *Йил ўн икки ой бекорга ишлабман. Ўқув йили* Ёзги таътил охиридан бошлаб келгуси ёзги таътил бошланишигача бўлган ўқиш муддати. *Техникум янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келди.* Газетадан.

**4 астр.** Бирор планетанинг Қуёш атрофида бир марта айланишида ўтадиган муддат. *Марс йили (687 суткага тенг), Зухра йили (225 суткага тенг).*

5 тар. Мучал йил ҳисобида ўн икки мучалнинг ҳар бири (қ. мучал). У қўй йилида туғилган. -Йилнинг нима? -Йилим — сичқон. ■ Бу йил ит йили эканми, билмайман. Куллоликда ҳам мени итлар тинчитмади. Ф. Фулом, Шум бола.

**Йил ағдариш** Ёшни мучал ҳисоби билан белгилаш.

6 этн. қ. йил оши. ...эри Халдорбековнинг йили ўтар-ўтмас, бойваччага кенжа хотин бўлиб тушгани маҳалла-куй ўртасида анча нохуш гап-сўзлар уйғотган эди. К. Яшин, Ҳамза.

**Йил оши** этн. Киши вафотидан кейин, одатда, тўққизинчи ёки ўн биринчи ойда халойиққа ош бериб ўтказиладиган маросим. У вазифа: ота-онамиз учун йил оши бериш ва икки укамизни тўй қилиш эди. С. Айний, Эсдалиқлар. Азизанинг йил ошидан кейин ўртоқлари.. уйланишга мажбур қила бошладилар. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ЙИЛБАЙ** Йилига байлашилган, йиллик қилиб шартлашилган, бир йил давомида ёки бир йилда бир марта ҳақ тўланадиган. Йилбай иш. Йилбай ҳақ. ■ Мирзакаримбой ўйлаб қолди: Кейин, қозоқ, қирғиздан киши баҳра топади. Йилбай қилиб саҳродан келтирасан. Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИЛГИ** Йилга оид. Бу йилги пахта терим кампанияси. Утган йилги хатолар такорланмасин. ■ [Аравакаш:] -Бу — ўтган йилги, узоқ йилги пахталар, — деб жавоб қиларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уч кун ичида уч йилги касалдай бўлиб қолибсан. Ойбек, Танланган асарлар.

**Юз йилги гап** 1) аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, эски гап-сўзлар; 2) айтилавериб сийқаси чиққан гап.

**ЙИЛДИРИМ** эск. Чақмоқ, яшин. Юксақликка кўтарар мени Йилдиримдай ёришган роҳлар. Ш. Раҳмон.

**Йилдирим соқчиси** эск. Яшин қайтаргич. Оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб томдаги йилдирим соқчисигача Саидийга қарайди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЙИЛИГА 1** Ҳар бир йил учун, ҳар йил ҳисобига, бир йил давомида. [Ўрозни] Бир қўйчи бой, иллага саккиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳар йили. Биз иллага Шоҳимардонда дам оламиз.

**ЙИЛЛАБ** рвш. Бир неча йил мобайнида, бир неча йиллар давомида. Бирови йиллаб

сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпигимни силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, кўнглимни кўтаради. С. Сиёев, Ёруғлик.

**ЙИЛЛАРЧА** рвш. Бир неча йил мобайнида, йиллаб. Ҳозир иккиси [Йўлчи билан Гулнор] қалбларида йилларча сақланган муқаддас орзуларга етишганликларидан.. маст каби эди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИЛЛИК 1** Бир йилга мўлжалланган: бир йил ичида содир бўладиган. Йиллик мажбурият. ■ Деҳқон аҳди, ваъдасининг қатъийлигига бўлимнинг йиллик якунларини таҳлил қилганда яна бир бор қаноат ҳосил қилдик. «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Муайян тарихий воқеа-ҳодисани нишонлаш, байрам қилишдаги йил ҳисобини ифодалайди. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий анжуман.

**ЙИЛНОМА** Воқеа-ҳодисалар изчил тарзда йилма-йил (йиллар давомида) қайд этиб борилган тарихий ёзма ҳужжат; солнома. Йилнома ёзмоқ. ■ Ёшларимизнинг меҳнат зафарлари тўғрисида ажойиб йилномалар ёзиш мумкин. С. Йўлдошев, Шонли йўл. Менгина эмас, полк мирзалари ҳам ҳар бир аскарнинг тарихини баён қилиб берувчи йилнома қолдирмаганлар. Н. Сафаров, Оловли излар.

**ЙИЛНОМАЧИ** Солнома тузувчи, тарихни ёзиб борувчи; солномачи. ..тарих ҳолиси йилномачи тарзида ўз саҳифаларига яхши ишларнигина ёзиб қўя қолмайди. Газетадан.

**ЙИЛТ:** йилт этмоқ Учкун сингари кўзга ташланмоқ; йилтилламоқ. Тун қоронғи эди. Осмонда йилт этган юлдуз кўринмасди. С. Анорбоев, Оқсой. ..йўлнинг уфқида бир нима йилт этди, сўнгга бир нечта қора нуқта кўринди. А. Қаҳҳор, Кўшчинон чироқлари.

**ЙИЛТИЛЛАМОҚ** Йилт-йилт нур сочмоқ, йилт-йилт қилмоқ; йилтирамоқ. Қоронғи тунда юлдузлар йилтиларди. Узоқдан йилтиллаб ўт кўринади. ■ Лабларда маҳорка чўғи йилтиллайди, чекка-чеккада маъноси англашилмаган қандайдир гурунг. Ойбек, Қуёш қораймас. Меҳмонлар кўчага чиққанда, атроф зим-зиё, юлдузлар улкан чодирга қадалган беҳисоб чироқлардек йилтиларди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

**ЙИЛТИРАМОҚ** қ. йилтилламоқ. Чумчуқлар.. томларнинг бўғотларига кўниб, йилтираган офтоб нурига ўзини тоблайди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

**ЙИЛТИРОҚ** Нур қайтариб ёки нур сочиб турадиган, жилोलаниб кўринадиган; йилтирайдиган; ялтироқ. *Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Йилтироқ тошларда қуёш шуъласи.. Ж. Жабборов.*

**ЙИЛЧА I** Тахминан бир йил. *Бу воқеага бир йилча бўлди.*

**2** Йил қадар, йилга тенг. *Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми ҳай-ҳай.. С. Зуннуова.*

**ЙИЛҚИ I** Отлар подаси; отлар; уюр. *Барчин.. отасининг тўқсон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди. «Алпомиш». Йилқи, пода, сурувлар дард кўрмай ўсса дейман. Қ. Муҳаммадий.*

**2** Умуман, от. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпигимни силайди.. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ЙИЛҚИБОН** Йилқи боқувчи. *Аллонбийнинг йилқибони бўлган Элгелди.. Сулувини отга мингаштириб, яйловдан яйловга кезарди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**ЙИЛҚИБОҚАР** айн. йилқибон.

**ЙИЛҚИЧИ I I** Йилқичилик билан шуғулланувчи, йилқи етиштирувчи. *..гўштдан бир-икки чимдиб, ўз навбатида, бош йилқичи Сулаймон оқсоқолга яқинроқ суриб қўйди. К. Яшин, Ҳамза.*

**2** Йилқибон, йилқибоқар. *Бойбўрининг Қултой деган йилқичи қули бор эди. «Алпомиш».*

**ЙИЛҚИЧИ II** Балиқчиларга мансуб, ҳашаротлар билан овқатланадиган, саҳрода яшовчи тунги қуш. *Аҳён-аҳёнда йилқичи қушнинг «ғақ-қу»лаган товуши эшитилади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Ўзбекистоннинг жанубига йилқичилар мартнинг ўрталарида учиб келади. «Ўзбекистон ҳайвонлари».*

**ЙИЛҚИЧИЛИК I** Чорвачиликнинг йилқи етиштириш (урчитиш, кўпайтириш, зотини яхшилаш ва б.) билан шуғулланадиган тармоғи. *Йилқичилик хўжалиги. Йилқичиликни янада ривожлантирамиз.*

**2** Йилқи боқиш иши; йилқибоқарлик. *Икромнинг дадаси илгари йилқичилик қилган эди, шу киши ёрдам берди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ЙИЛҒА** айн. жилға. [*Уктам*] *Фронтда.. ўқ дўллари орасида дарёларни, неча-неча йилгаларни сузиб ўтган эди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ЙИПРАНМОҚ** кам қўлл. Эскириб титилмоқ. *Баъзи қоғозларнинг четлари йипранган, доғ-дуғ тушган. Ойбек, Навоий.*

**ЙИРГАМЧИК** Киши йирганадиган, кишининг кўнгли тортмайдиган; жирканч, ифлос. *Йиргамчик овқат.*

**ЙИРГАНМОҚ** Ҳазар қилмоқ, жирканмоқ. *Шу овқатдан йирганади. ■ -Бойларнинг дарди олтин кумуш, мисоли итпашишдай ёпишасиз унга, йирганаман бойларнинг нафсидан, хасислигидан, — деди Зумрад бойга. Ойбек, Улуғ йўл.*

**ЙИРГАНЧ** қ. жирканч. *Фаҳшлар қўйнида йирганч парварчи Кўрган сояпарвар илмилиқ бадан. Ф. Фулом.*

**ЙИРИК I** Ҳажми, ўлчамлари, қиймати жиҳатидан нисбатан катта; зид. **майда.** *Йирик марварид. Йирик гуруч. Йирик томчи. Йирик олма. Йирик пул. ■ Аҳмад танбал қаҳр билан ўрндан турди ва йирик тишларини иржайтириб қўшиб қўйди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Дарахтлар пакана, меваси мўл ва йирик. Ойбек, Танланган асарлар. Оқшом тушиб, ташқари қоронғилашиб қолган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғар эди. Газетадан*

**2** Катта куч-қудрат ва имкониятларга эга бўлган, кўлами кенг; катта. *Йирик корхона. Йирик хўжалик. ■ «Зомин» ғаллачилик хўжалиги ҳудудига йирик сув омбори қуришга киришилди. «Ўзбекистон кўриқлари». Бу-гуноги Тошкент — йирик санаот, фан ва маданият марказларидан бири. «Саодат».*

**3** Эътибори, аҳамият даражаси юқори, ортиқ бўлган; катта. *Йирик анжуман. ■ Мамлакатимиз ҳаётидаги бирон-бир йирик воқеа йўқки, унда халқлар дўстлиги, биродарлиги намён бўлмаган бўлсин. Р. Файзий, Таъзим. Боболаримизнинг табиий фанларни тараққий эттириш борасидаги муваффақиятларининг сирини эса фанда йирик кашфиётлар яратишдек мушкул ва машаққатли иш бўлиб қолди биз учун. С. Кароматов, Олтин қум.*

**4** Ўз иши, фаолияти ёки таъсири билан кўзга кўринган, шуҳрат-обрў қозонган; атоқли; нуфузли. *Йирик мутахассис. Йирик одам. Йирик адиб. ■ Собирни бунга дадаси — йирик математик Султонов ундаган эди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Хадича Сулаймонова ажойиб инсон, йирик жамоат арбоби, яхши она эди. «Саодат».*

**Иш(лар) йирик** Иш юришган, ҳар жиҳатдан мувафакқиятга эришилаётган ҳолатни билдиради. -*Ҳозир унинг [Омоннинг] иши йирик. Абдулла қорақошга шогирд тушган, уйига сув ташиб, от боқиб юрибди, — деди Туроббий Шум болага.* Ф. Фулом, Шум бола. *..анов хуржунда гўшт, мой бор, гуруч бор. Кечқурун паловни дундирасиз. Эртага кўй сўямиз. Ишлар йирик.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Йирик пул** с.т. Катта суммадаги пул.

**ЙИРИКЛАМОҚ** Майдаларни қўшиб яхлитлаштирмақ, йириклаштирмақ, йирик қилмоқ. [Аъзам] *Ишни шу хотинидан яшириб юрган пулини йириклашдан бошлади.* Шухрат, Жаннат қилдирганлар.

**ЙИРИКЛАШМОҚ** Ҳажм, ўлчам ва ш. к. жиҳатдан йирик бўлмоқ, йирик ҳолат касб этмоқ. *Тўғри, хўжаликлар йириклашиб кетган.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

**Иши йириклашмоқ** Омади келмоқ, иши юришиб кетмоқ.

**ЙИРИЛМОҚ** **Йирмоқ** фл. ўзл. ва мажж. н. Лайлакнинг (*Қарғанинг*) юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йирилибди. Мақол. ■ *Эркабой ўтган жойдан сакрайман, деб бутимиз йирилмасин [деди Фозилжон Саидга].* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**ЙИРИНГ** Тўқималарнинг яллиғланишидан ҳосил бўладиган сарғиш-кўк рангли, ёмон ҳид тарқатадиган суюқлик; фасод.

**Йиринг бойламоқ** 1) газак олиб, йиринг ҳосил қилмоқ; йирингламоқ. *Яра йиринг бойлади;* 2) кўчма авж олмоқ, зўраймоқ. [Усмонжоннинг] *Болалигида қалбида бўртган алам яраси илдан-илга йиринг бойлаб, фасод ийга бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ЙИРИНГЛАМОҚ** Йиринг ҳосил қилмоқ, ҳосил бўлмоқ; йиринг олмоқ, йиринг бойламоқ. *Оёқларидаги занжирнинг сиқувини ҳам, елкасидаги йиринглаб кетган чуқур яранинг оғриғини ҳам унутган темирчи.. энтикиб, “озод” деган сўзни такрорлади.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

**ЙИРИНГЛИ** Йиринг бойлаган, йиринглаган; йиринги бор. *Қадим замонда бир император лабига чиққан йирингли ярадан азоб чекарди.* «Фан ва турмуш».

**ЙИРИҚ** Йирилган, ёриқ жой, ёриқ. *Тахта деворнинг йириғидан қарамоқ.*

**ЙИРМОҚ** Икки томонга кериб, орасини очмоқ, икки ёққа ажратмоқ. *Бола қушининг тумшугини йириб, оғзига дон солди.* ■

*Фашист бўғзига тобора чуқурроқ ботаётган Алижоннинг темир панжаларини йириб ташламоқчи бўлиб уринар эди.* С. Анорбоев, Дўстлар. *Дўстим Сардор жуда чарчаган бўлсада, бирмунча вақтгача кўзларини йириб очиб ётди.* М. Осим, Элчилар.

**ЙИРМОЧ** Тўн, чопон этагининг икки ёнидан учбурчак шаклида қийилган жойи.

**ЙИРОҚ 1** Оралиқ масофаси катта; узоқ, олис. *Йироқ ўлкаларда кезарди сайёҳ, Кезарди юртига кўзини тикиб.* А. Орипов. *Унга [Марямга] бир ярим минг сўм пул керак, шуни топади, сўнгра йироқ бир мамлакатга кетади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**2** Чиқиш келишигидаги сўз билан қўлланиб, киши ёки нарсада шу сўз билдирган нарсанинг йўқлиги, даҳли йўқлиги, алоқасизлиги маъносини ифодалайди. *Фандан йироқ одамлар улардан ажабтовур гаплар, мулоҳазали фикрлар кутадилар.* Газетадан. *Дунёда муҳаббатдан йироқ ҳисларнинг, Йироқ туйғуларнинг ўлгани яхши.* Қ. Раҳимбоева. *Бир тундаёқ етишди озод ўлгага.* Жабр, зулмдан йироқ обод ўлгага. Файратий.

**Кўздан йироқ** Кўринмайдиган ҳолатда, кўздан пана. *Қалиқлар одамларнинг кўздан йироқда яширинча учрашиб юрар эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Осмон йироқ** (ёки **узоқ**), **ер қаттиқ** Ҳаёт (турмуш)даги чорасиз ҳолатни, илжосизликни ифодалайди. *..лекин одамзод жонига теккан нарсадан қутулиш иўлини билмаса, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлади, унга кўникади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ЙИРОҚ-ЁВУҚ** айн. **узоқ-яқин.** *Бир соатдан сўнг, йироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар кела бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИРОҚЛАШМОҚ** айн. **узоқлашмоқ.** *Машина кўздан йироқлашди.* ■ *У шаҳардан йироқлашиб, қишлоққа яқинлашган сайин, кўнгли ҳавойи туйғулардан сармаст чайқалар эди.* С. Сиёев, Аваз.

**ЙИРТИШ 1** **Йиртмоқ** фл. ҳар. н.

**2** этн. Марҳумни кўмиш маросимида қатнашган кишиларга ва унинг яқинларига бериладиган бир бўлак рўмолчабоп мато; дурра; оқлик. *Жаноза намози ўқилиб, йиртиш ва исқотлар бўлинди.* С. Айний, Дохунда. *Маросимга етиб келган.. оддий фақирларга йиртиш улашилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЙИРТИҚ 1** Йиртилиб кетган, йиртилган. *Иштонсиз (одам) тиззаси йиртиққа кулар.* Мақол. ■ *Ҳамманинг кўзи Раҳимнинг тирсаги чиқиб турган йиртиқ енгига тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эғнида отигина қолган жулдур ятак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Бирор нарсанинг узилиб, юлиниб, очиқ қолган жойи. *Аксарининг устибоши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Осмонни тўлдирган булутларнинг йиртиғидан [қуёш] бирда-ярим кўриниб қолади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Уфқнинг бир парча йиртиғидан улкан, қипқизил қуёшнинг ярми кўриниб, ботиб кетди.* С. Нуоров, Нарвон.

**ЙИРТИҚ-ЯМОҚ 1** Йиртилавериб кўп ямоқ тушган; жулдур. *Ҳовлида.. ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йигит Элмуродни имлаб чақирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Йиртилган кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ ва ш. к. ҳамда уларни тикиш, ямаш ишлари. *Анзират хола йиртиқ-ямоқ.. билан машғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ЙИРТМОҚ 1** Газмол, қоғоз ва ш. к. ни узмоқ, узиб бўлақларга ажратмоқ. *Латтани йиртмоқ. Қоғозни йиртмоқ. Куйлагини йиртмоқ.* ■ У [жанчи] битнинг учини йиртар экан, офицерга қараб, бир нима деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 кўчма Бўлақка ажратмоқ. *Тракторлар ёриб, ерларни йиртиб, кесак қўймайди, майда-майда қирқиб.* Ҳабибий. *Яна бир фаришта қора булутдан бир парчасини йиртиб олиб, тупроқнинг устига сиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Бағрини (ёки кўксини) йиртмоқ** Қаттиқ азобламоқ, қийнамоқ, эзмоқ. *Айрилик савдоси бағрини йиртади.* «Ширин билан Шакар». *Пора-пора йиртди кўксимни ситам, сўргувчи борми кўнглининг зорини.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИРТҚИЧ 1** Жонивор гўшти билан овқатланадиган (ҳайвонлар, қушлар ҳақида). *Йиртқич ҳайвон. Миққий — йиртқич қуш. Куён йиртқичларга ем бўлди.* ■ *Лаққа — йиртқич балиқ, у ўздан кичик бўлган турли жониворлар, балиқлар ва қурбақалар билан овқатланади.* Газетадан.

2 кўчма Шундай жониворларга нисбатланган ифода. *..Бобур йиртқичлар орасида кийик бўлиб кун кўра олмаслигини ич-ичидан ҳис қилар, шунинг учун.. бўрилар билан шер бўлиб олишишни истар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Йиртқич фашистларни ўз уясида янчиб ташлаш учун олиб борилган жангларда иштирок этдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мен бу уятсиз йиртқич билан ярашмоқ учун умид тутмайман.. [деди Кумуш].* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЙИРТҚИЧЛИК 1** Ҳайвонларнинг озиқланиш усулларида бири: бир ҳайвоннинг бошқасини ушлаб ўлдириши ва еб қўйиши.

2 кўчма Йиртқичга хос хатти-ҳаракат, иш. *Кўзғолонни бостириш учун юборилган казак солдатларидан иборат махсус жазо отряди кўз кўрмаган.. йиртқичликлар қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ЙИТМОҚ** кам кўл. Йўқ бўлиб кетмоқ; йўқолмоқ. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ■ *Бир акам йитиб кетганига етти йил бўлди.* «Эрали ва Шерали».

**ЙИҚИЛМОҚ 1** Тик ҳолатини йўқотиб, ер томон тушмоқ; куламоқ. *Кўкка боққан йиқилар.* Мақол. ■ *Саид Жалолхон ўрnidан турган эди, гандираклар йиқилди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Исфандиёрхон.. Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди. Аваз гандиракларди-ю, йиқилмади.* С. Сиёев, Аваз. *Кўчада.. гурсиллаб деворлар йиқилади, шарақлаб дарахтлар қулайди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

2 Тепадаги жойидан пастга томон куламоқ. *Дарахтдан йиқилмоқ. Томдан йиқилмоқ.* ■ *Чавандозлардан бири маррага яқин қолганда, отдан йиқилиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Курашда енгилмоқ, мағлубиятга учрамоқ. *Йиқитган мард эмас, йиқилганни турғизиб қўйган мард.* Мақол. *Йиқилган курашга тўймас.* Мақол.

4 кўчма Имтиҳонда ёмон баҳо олмоқ, синовдан ўтолмай қолмоқ. *[Нигора] Тошкентга ўқишга келган экан, кимёдан топишра олмай йиқилибди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

5 кўчма Ҳокимиятдан маҳрум бўлмоқ, ажралмоқ; ағдарилмоқ; йўқ қилинмоқ. *Мустабид ҳокимият йиқилди.*

**ЙИҚИТМОҚ 1** Қуч билан қулатмоқ, ағдармоқ; ағнатмоқ, бузмоқ. *Шамол дарахтларни йиқитди. Деворни йиқитмоқ.* ■ *Чакалакзордан катта-кичик дарахтларни йиқи-*

тиб, мажжақлаб чиққан танк.. Аҳмаджон.. томон кела бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**2** Баландликдан пастликка тушириб юбормоқ; кулатмоқ. *Томдан йиқитиб юбормоқ.*

**3** Курашда голиб чиқмоқ, устун келмоқ; куч билан ерга ётқизмоқ. -*Йиқитган полвон йиқилганни кўтариб кўяди, — деди Ўрмонжон Қурбон отага кўз қисиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**4** кўчма Куч, зўр билан ҳокимиятдан маҳрум қилмоқ, четлаштирмоқ; йўқ қилмоқ. *Раҳматхоннинг овози йиғин тепасида янграб кетди: -Халқ подшоҳни йиқитди. Лекин халқнинг аҳволи ўзгармади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**5** кўчма Имтиҳон, синовда ёмон баҳо кўймоқ; имтиҳондан ўтказмай кўймоқ. *Икки марта дарсга қатнаша олмгани учун француз тили ўқитувчиси уни имтиҳонда йиқитмоқчи бўлди.*

**ЙИҚИҚ** кам қўлл. Йиқилган, бузилган, вайрон. *Мастон хола билан Турсуной йиқиқ деворлардан ўтиб, ҳовлига қадам босганларида, қаршидаги айвонда.. шайхнинг катта гавдаси кўринди.* Уйғун, Турсуной.

**ЙИҚМОҚ** кам қўлл. Йиқитмоқ, кулатмоқ. *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ■ *Уроқ ўткир эди. Ўралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани [Йўлчи] «шаршар» йиқиб борар экан, ўзи ҳам завқланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эскини йиқамиз, янгини қурамиз.* Уйғун, Навбахор.

**ЙИҒИ 1** Ғам-алам, оғриқ, изтироб ва ш.к. туфайли юзага келадиган руҳий ҳолатнинг кўз ёши, ўзига хос товуш билан кузатиладиган ифодаси, шундай ҳолат билан юзага келадиган кўз ёши, товуш. *Кампир йиғидан ўзини тиёлмади. Гўдак йиғиси.* ■ *Фуломжон йиғлаб юборди. Унинг йиғиси устига болалар югуриб киришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкари уйдан келаятган чақалоқ йиғиси Аҳмаднинг фикрини бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Энди йиғидан фойда йўқ. Бўлди, бас қил.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** этн. Марҳумни хотирлаб ўтказиладиган аза маросими. *Йиғи бошламоқ.*

**Йиғи чиқармоқ** Киши вафоти муносабати билан кўпчилик бўлиб, овоз чиқариб, айтиб йиғламоқ. **Шайтон йиғиси** Ёлғон йиғи, мунофиқона кўз ёши. *У буни узатиладиган қизларнинг «шайтон йиғиси» деб тушунади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИҒИЛИШ 1** **Йиғилмоқ** фл. ҳар. н. *Кеч соат беида шу ерда йиғилиш керак.*

**2** Бирор масала юзасидан тегишли шахсларнинг тўпланиши; йиғин, мажлис. *Йиғилиш қарори. Маҳалла фаоллари йиғилиши. Уруш фахрийлари йиғилиши.* ■ *Институтда студентларни ишга тақсирот комиссиясининг йиғилиши бўлди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Бугун дарсдан кейин мактабда отаналар йиғилиши қақирилган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**ЙИҒИЛМОҚ** **Йиғмоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ўқувчилар йиғилди. Пул йиғилди.* ■ *Тўхта хола кўрпаси йиғилмаган сўрига дастурхон ёзиб, қумғонда чой келтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЙИҒИМ 1** Бирор мақсад учун халқдан (хонадон бошига ёки жон бошига) олинadиган ҳақ, пул ёки буюм; солиқ [Мингбоши:] *Беш йилдан бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, йиғим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЙИҒИМ 2** Банк ва унинг тармоқларида мижозларга кўрсатиладиган пул муомаласи хизмати учун олинadиган ҳақ. *Ўн бир мамлакат фуқаролари — банкларнинг мижозлари — ўз омонатларини еврога ўтказиш имкониятига эга бўлдилар, бинобарин, бунинг учун улардан ҳеч қандай комиссиян йиғим олинмайди.* Газетадан.

**ЙИҒИМ-ТЕРИМ** Ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари, мавсуми. *Пахта йиғим-терими. Жамоа хўжаликлари йиғим-теримга киришдилар.* ■ *Йиғим-теримни олганимиздан кейин бошласак, совуқ тушмай битирамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ЙИҒИН 1** Кишиларнинг фикр олишуви ёки бирор масалани ҳал қилиш учун тўпланиш; йиғилаш, мажлис. *Ниёз қушбеги сўзлаб, йиғиннинг мақсади билан аҳли мажлисни таништира борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бош муҳаррир катта йиғинларда, мажлисларда қатнашавериб, халойиқ ўртасида ўзини тутишига уста бўлиб кетган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**2** Кишиларнинг бирор маросим, зиёфат муносабати билан ёки ўзаро суҳбатлашиш, кўнгил очиш учун тўпланиши; йиғилиш. *Билдимки, бугун уйимизда бир йиғин бўлади.* Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. *Шундай қилиб, бу қиймат йиғин кеча ярим бўлганда гув-гув билан тарқалди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.



**ЙИҒИНДИ 1** Бир турли нарсаларнинг бир жойга тўпланган ҳолати, тўплами, мажмуи. Қонунлар йиғиндиси. Қарорлар йиғиндиси. ■ *Ҳар қандай материя алоҳида доналар йиғиндисидан тузилади.* «Қизиқарли геохимия». Шовқин ҳар хил куч даражасидаги товушлар йиғиндисидир. Газетадан. Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндисидан бошқа нарса ҳам эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2 мат.** Икки ёки бир неча соннинг қўшилиш натижаси, ўзаро қўшилган сонлар мажмуи. Уч, олти ва ўн бир сонларининг йиғиндиси йигирма бўлади.

**ЙИҒИНЧОҚ 1 сфт.** Саранжом-саришталли, тартибли; ихчам. Йиғинчоққина уй. Йиғинчоқ бир ҳовли. ■ *Янги топшириқ Рауфни янада йиғинчоқ ва илдам қилиб қўйди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**2 от, кам қўлл.** Йиғин, йиғилиш жойи. Ҳиротдаги бекзода, вазирзодаларнинг кечки базмларига, йиғинчоқларига бориб, куйи, сози билан ўлтиришни қизитиб, ўз қорнини тўйдирар эди. Ойбек, Навоий. Жўралашган ҳаётнинг йиғинчоқлари чойхоналаримиз бўлсин. Ф. Фулом.

**ЙИҒИЧИ 1 айн.** йиғлоқ, йиғлоқи. Ўзинг ҳам ўлғудай йиғичи бўлсан. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

**2 этн.** Азада айтиб йиғловчи аёл.

**Бош йиғичи** Азада йиғи бошловчи, бошқаларни эргаштирувчи аёл, гўянда. Турсунной ва Шарофатхон қайнонанинг ўлимига ичдан ғоят севинган бўлсалар ҳам, овозларига чўзиқ, қалбаки мотам оҳанги бериб, бош йиғичига жўр бўлишар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИҒИШ 1 Йиғмоқ** фл. ҳар. н. Одамларни йиғишга буюрди.

**2 қ.** йиғув.

**ЙИҒИШТИРМОҚ 1** Ёйиқ, чочиқ нарсаларни бир жойга тўпламоқ; йиғмоқ. Баъзилар зиналарга сочилиб қолган гишт бўлақларини, кесакларни дарҳол йиғиштириб олиб ташлардилар. Мирмуҳсин, Меъмор. Солиҳ иш вақти тугашига икки соат қолганда нарсаларини йиғиштирди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

**2** Йиғиб-териб олмоқ, (деҳқончилик, дала маҳсулотлари ҳақида). Ақл-заковат билан иш тутиб, теримни нечоғлиқ тезлаштирсак, ҳосилни шунча тезроқ йиғиштириб ола-

миз. Газетадан. Деҳқоннинг олтинпази пахта теради, соҳибқори узум узади, қовунчиси полиз йиғиштиради, молбоқари хашак жамғаради. Газетадан.

**3** Жам ҳолга келтирмоқ. Кўчларингни йиғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**4** Ишлатилган, фойдаланилган нарсаларни ётган (турган) жойидан йиғиб олмоқ, ўрин-жойни тартибга келтирмоқ, тозаламоқ, саранжом-саришта қилмоқ. *Отабек киргизилган Ҳасаналиннга уйи Ойбодоқ она томонидан тозагина йиғиштирилиб.. асбоб-жиҳозлар билан зийнатланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ташқари ҳовлида ҳамма уйларни йиғиштирдим, кўрпачаларни ҳовлига олиб чиқиб қоқдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *У ёқ-бу ёғингни йиғиштир, меҳмон келди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**5** Тартибли ҳолатга солмоқ, эпақага келтирмоқ (ўзини ёки узидаги бирор нарсани). *Бошьяланг, сочини яхшигина йиғиштириб қўйган.* Ойдин, Ҳикоялар. *Жувон.. рўмолини олиб ўради, этакларини йиғиштириб ўрнашиб ўтирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қачондан бери сипо бўлиб қолдинг? Қизлардан гап кетса, оғзингни йиғиштириб ололмасдинг-ку!* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**6** Бас қилмоқ, барҳам бермоқ. *Мен шотда утириб китоб ўқишни ҳам, овага чиқишни ҳам йиғиштириб қўйдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Аҳмад иш топишдан умидини узиб, редакцияларга учрашни йиғиштириб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ қ. дов-дастгоҳ.** **Тахта-ўқлоғини йиғиштирмоқ** Бирор иш-фаолиятни тўхтатмоқ. «Повуркон» (фабрика) моллари ҳамма ёқни тўлдириб, косибларни бозорини касод қилганлиги, иши чипакка чиққан косиблар бирин-кетин тахта-ўқлоғини йиғиштираётганлигини тасвирлаб кетди. Ойбек, Танланган асарлар. **Эсини** (ёки эс-ҳушини) **йиғиштирмоқ** Эс-ҳушини жойига келтирмоқ, фикр-хаёлини тўғри йўлга солмоқ. *Ҳамза эс-ҳушини йиғиштириб олиб, қоғозни буклоғидан ёзди-да, унга кўз югуртириб, шу сўзларни ўқиди..* К. Яшин, Ҳамза. *Ёлғизжон аввал жўмбурлаган овозни эшитди.. эсини йиғиштиришга уринди, аммо мадори етмади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Эс борида этакни йиғиштирмоқ** (ёки ёпмоқ) Эс борида, ўз вақтида айбли (номақбул) иш-

ларга барҳам бермоқ. *Шуни билиб қўйингки, ишларингизнинг охири вой! Тезда этагингизни йиғиштириб олинг!* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ЙИФИҚ** кам қўлл. 1 Йиғиб тўплаб қўйилган, тўплоғлик. *Йиғиқ соч. Йиғиқ барглар.*

2 Йиғинчоқ, йиғноқ; ихчам. *Йиғиқ фикр.*

**Йиғиқ гап** тлш. Бош бўлак (эга ва кесим)дангина тузилган гап.

**ЙИҒИҚЛИК** Йиғиб қўйилган, йиғиқ ҳолатли. *Уғай қизининг сўзларидаги қатъиятдан чўчиған Лобар сунадаги йиғиқлик ўринни мастликдан қизарган кўзлари билан кузатиб бўшашиди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ЙИҒЛАМОҚ 1** Йиғи қилмоқ (қ. **йиғи**). *Ачиниб йиғламоқ. Пиқ-пиқ йиғламоқ. Ув тортиб йиғламоқ. Ўқуриб йиғламоқ. Хўнграб (хўн-хўн) йиғламоқ.* ■ *Энди онага қўшилиб қиз йиғлар, қизга қўшилиб она йиғларди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Айтиб йиғламоқ** этн. Марҳумга куйиниб, юрак сўзларини айтиб йиғламоқ, уни мадҳ этиб йиғламоқ. **Аччиқ-аччиқ йиғламоқ** Аччиқ-алам билан йиғламоқ. *Кеча унинг уйдан хотин кишининг аччиқ-аччиқ йиғлаган товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Зор йиғламоқ** Зорланиб йиғламоқ. *Бола: «Дадам, дадам!» деб зор йиғларди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йиғлаб кўриш(а)ди** с.т. кест. Жуда монанд, мос келди, жуда ҳам ярашди. *Тўн йиғлаб кўришди.* ■ [Ҳотам:] *Қани, совимасин [рюмкага қўйиб]. Бу жонивор кабоб билан йиғлаб кўришади. Қитдай-қитдай ютайлик.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Юм-юм йиғламоқ** Қаттиқ кўз ёши тўкиб йиғламоқ. *Ача-хон юм-юм йиғлаб, онасининг пешонасини силарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Қон йиғламоқ** Ниҳоятда алам-изтироб билан йиғламоқ. *Холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули кунни ёдига тушар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 **кўчма** Нолиш қилмоқ. *Узоқ-узоқларда мусиқа йиғларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЙИҒЛАМСИРАМОҚ** Йиғлаш даражасига етмоқ; йиғлагандай бўлмоқ. *Жўрахон йиғламосираб жавоб қилди. Унинг бу холати хафа қилинган.. қизнинг аразига ўшар эди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. - *Мен ўзбошимчалик қилганим йўқ, — жавоб берди бола йиғламосираб.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

**ЙИҒЛОҚ** Бўлар-бўлмасга йиғлай берадиган; кўп йиғлайдиган; йиғлоқи. *Йиғлоқ одам жангчи бўла олмайди-а, дада?* «Гулдас-та». *Мўмингина, ювошгина бўлган Бахтиёр бора-бора салга чўчидиган, йиғлоқ бўлиб қолди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**ЙИҒЛОҚИ 1** айн. **йиғлоқ.** *Оналар инжиқ, йиғлоқи болаларини «гапимга кирмасанг, чакалакзорга элтиб ташлайман» деган нўписа билан тийиб келишган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 **Йиғи** товушига ўхшаш, йиғи каби. *Бозоринав масжидининг пастаккина мезанасига чиқиб, шом азонини айтган сўфининг йиғлоқи овози уни ўзига келтирди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Маҳкам нималигига тушунолмас, ҳар қалай, бу ашула эмас, қандайдир йиғлоқи нолиш эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 **кўчма** Кишини эзадиган; мунгли (куй, оҳанг ва ш. к. ҳақида). *Мунгли булбулдай Ингради тинмай, Бағрим эзарди, Борлиқни ёқиб Йиғлоқи сурнай.* Ф. Фулом. *Ёзармидим йиғлоқи байтни, Титрармидим кўзда ёш билан?* А.Орипов. *Бу қўшиқларнинг [насиҳат қўшиқлари] бадиий савияси паст ва оҳанги йиғлоқи.* Ў. Рашид, Қўшиқлар ҳақида.

**ЙИҒЛОҚИЛИК** Бўлар-бўлмасга йиғлаш, шундай характер, хусусият. *Йиғлоқлик сизга ярашмайди.* И. Раҳим, Тақдир. *Эрдан чиқарманг, она.. Йиғлоқлик кетмайди!* Ш. Холмирзаев, Қайтиш.

**ЙИҒМА** сфт. 1 Фойдаланилмайдиган пайтда йиғиб-тахлаб қўйиладиган, йиғиладиган. *Йиғма курси.* ■ *Бу ерда [палаткада] уч йиғма койка бир-бирига тақаб қўйилган эди.* А. Мухтор. *Давр менинг тақдиримда. Бир неча киши машиналардан фириллатиб кўтарилган йиғма нарвонлардан бино томларига чиқа бошлади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Чўлда икки ва бир хонали йиғма уйлар қурилди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Турли қисм ёки элементлардан йиғилган, бир бутунни ташкил қиладиган; терма. *У яқинроқ бориб, эълон тагидаги рўйхатни кўрди: «Қишлоқ ўқувчиларининг ёзги йиғма отряди». Унда йигирмадан ортиқ боланинг номи ёзилган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ёшларнинг вакиллари йиғма оркестр садолари остида стадион майдонини айланиб чиқишади.* Газетадан.

**ЙИҒМОҚ 1** Турли жойдаги шахсларни ёки нарсаларни бир жойга келтирмоқ;

тўпламоқ, Бошлиқларни йиғмоқ. Тўкилган ол-маларни йиғмоқ. ■ Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб, икки оғиз гаплашмоқчи эдим. А. Каҳҳор, Кампирлар сим қокди. Таль-ат синфдош дўстларини йиғиб, уйда зиёфат қилмоқчи эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Эл оғаси — доноларни йиғинглр.. «Юсуф ва Аҳмад». Иккаламиз сизларнинг яшаш об-ъектларингиз ҳақида маълумотлар йиғямиз. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Териб, ўриб ва б. йўл билан олиб тўпла-моқ; йиғиштирмақ. Ҳосилни йиғмоқ. ■ У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, сариқбош, исирик, яна аллақанбақа гиёҳларни йиғиб юрад-ди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Бирор нарсани маълум вақт жараёни-да бир-бир топиб тўпламоқ; жамғармоқ. Пул йиғмоқ. Мол йиғмоқ. ■ Бисот йиғмоқчидир-лар балки? Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ахир одамларга меҳр-шафқатли бўлишни Ҳам-зага шу ота таълим берган, қолаверса, нега бунчалик китоб йиғмаса. К. Яшин, Ҳамза.

4 Жам ҳолга келтирмақ; йиғиштирмақ. Ҳозир нарсаларни йиғинглр, яхшилаб нонуш-та қилиб олинглр, юқорига кўтариламиз. С. Кароматов, Олтин қум.

5 Йиғинчоқ, тартибли ҳолатга келтир-моқ. -Кел, Нурийой! — Салимбойвачча оёқла-рини йиғиб олди. Ойбек, Танланган асарлар.

6 тех. Қисмларни ўзаро бириктириб бу-тун ҳолга келтирмақ. Тракторни йиғмоқ.

7 кўчма Маълум бир нуқтага қаратмоқ, тўпламоқ, марказлаштирмақ (хаёл, ақл, куч ва ш. к. ни). Степан эсини йиғиб, ўрнидан турди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ҳакимжон шу суҳбатдан сўнг ўзининг хом ва чувалаш-ган фикрларини пишитди, бир орага йиғди.. ўша кундан бошлаб унинг ҳамма нарсага қара-ши бошқа бўлди! Чўлпон, Кеча ва кундуз. ..бор кучимни йиғиб чопдим. Ш. Холмирзаев, Йўлар, йўлдошлар.

8 Иш, ҳаракат, фаолият ва ш. к. ни тўхтат-моқ, йиғиштирмақ. Шокир ота ишни йиғди, кўзойнагини олиб қўйди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙИҒНАМОҚ** шв. Йиғмоқ, тўпламоқ. Эр-тасица ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар. С. Анорбоев, Оқсой. Кўзи-чоғим қўйлар бўлғай, Йиғнаганим тўйлар бўлғай. «Бойчечак».

**ЙИҒНОҚ** 1 Йиғинчоқ, ихчам.

2 шв. Йиғиш, йиғин. Ҳисобот-сайлов йи-ғилишининг ўтганига бир ой бўлмасдан, яна бир йиғноқ чақирилди. «Муштум».

**ЙИҒУВ** Йиғиш ишлари. Йиғув цехи. Трак-тор йиғув заводи.

**ЙИҒУВЧИ** 1 **Йиғмоқ** фл. сфдш. [Отабек ва Али] Дастурхонни йиғувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилганларидан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар. А. Қодир-ий, Ўтган кунлар.

2 Деталь ёки қисмлардан яхлит машина ясовчи мутахассис. Йиғилиш трактор йиғув-чилар ташаббусини маъқуллади. Газетадан.

**ЙОГ** Йога тизими ва таълимоти тараф-дори; йога усулида шуғулланувчи (қ. **йога** 2).

**ЙОГА** [санскр. «кўшилиш», «бирлашиш»; «тиришиш»] 1 Ҳинд фалсафасининг 6 та собитқадам («Ведалар»ни тан олувчи) ти-зимларидан бири; материя билан руҳни қарама-қарши қўяди.

2 Киши руҳияти ва физиологияси (на-фас олиш, қон босими, модда алмашину-ви, уйқу ва б.)ни (муайян жисмоний машқ-лар воситасида) бошқариш ҳақидаги таъ-лимот ва метод (усул); Ҳиндистон диний ва фалсафий тизимларининг «халос бўлиш» ҳолатига эришишни мақсад қилиб қўювчи таркибий унсур.

**ЙОГУРТ**, **йўгурт** [ингл. yoghurt < турк. yogurt, т.-тат. *يوغرت* — қатиқ] Жем, мева консерваси, шokolод, какао ва б. қўшимча (тўлдиргич)лар аралаштирилган, қаймоқли кремга ўхшаш сут-қатиқ маҳсулоти (оддий ивигилган қатиқ, кефир ва б.).

**ЙОД** [лот. *iodum* < юн. *iodes* — бинафша рангли] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, асо-сан денгиз ўсимликларидан олинадиган тўқ кулранг кристалл модда ва унинг тиббиёт-да қўлланидиган, спиртдаги жигарранг эрит-маси. Тик турганча, бармоғимга йод суриб, бинт билан боғлади. С. Сиёев, Еруғлик.

**ЙОДЛАМОҚ** Буқоқ касаллигининг ол-дини олиш мақсадида сув, туз ва б. озиқ-овқат маҳсулотларига йод қўшмоқ, йод ара-лаштирмақ, йод билан тўйинтирмақ. Ош тузини йодламоқ. Сувни йодлаш.

**ЙОДЛИ** Йод қўшилган; таркибида йод бўлган; йод билан тўйинтирилган. Йодли ичимлик суви.

**ЙЎЙМОҚ** Бирор нарса, ҳодисанинг са-баб ёки моҳияти, асосини ўзича талқин эт-

моқ, таъбирламоқ, нима биландир боғламоқ, ўшандан деб ўйламоқ, ҳисобламоқ. *Тушни яхшиликка йўймоқ.* ■ *Она ўғлидаги сабрсизликни кўриб, ўқишга меҳр қўйганлигига йўйди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Одатда одамлар туш кўриб, уни бошқа бир бўлажак ҳодисага йўядилар.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Бирок бу ҳолни куннинг совуғига йўйиш, тинчи бузилган одамнинг инжиқлиги билан таъбирлаш ҳам мумкин.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ЙЎЛ 1** Одамлар, жониворлар ва б. нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм, қатнов қисми. *Сўқмоқ йўл. Қирдаги ҳар томонга кетган йўллар.* ■ *Йўл адирининг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Чўлининг йўли ингичка.. «Бойчечак».* *Довон орқали.. битта от йўли бор, холос. Шу тор йўлдан Афғонистонга ўтса ҳам бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Умуман, кишилар ёки транспорт қатнови учун махсус белгиланган ер бўлаги. *Автомашина қатнайдиган йўл. Асфальт йўл. Тош йўл. Узоқ йўл.* ■ *Машина йўлини кесиб ўтаётган подага сигнал берганда, чўчиб ўзига келди-ю, атрофга қаради.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Меҳмонхона ёнидаги ер ости йўлидан ўтиб, гулзор майдонга чиқишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**3** Кема ва самолётлар қатнаши учун махсус белгилаб қўйилган йўналиш, трасса. *Сув йўли. Ҳаво йўли.*

**4** Йўналишдаги ҳаракат жараёни, йўлда давом этаётган юриш. [*Хотин*] *Кумушга қараб давом этди: Ану кунги сўзингиз билан, йўлдан қайрилиб кирган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ўрмонжон йўл бўйи гапирмади..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мен унинг учун бир зўратчи, назрини бераман-у, йўлимга кетавераман.* К. Яшин, Ҳамза. *-Зарари йўқ, — деди Меъмор. — Буни йўл машаққати деймиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**5** Юриш, қатнов йўналиши. *..бирова “Хотинингни уканг никоҳлаб олди, уйга бормай қўя қол!” деган экан, у ҳам йўлни бошқа ёққа солдириб кетибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**6** Бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадда қилинадиган юриш; сафар. *Йўл анжомлари. Йўлга ҳозирланмоқ. Йўлга чиқ-*

*санг, йўлдошинг бўлсин.* Мақол. ■ [*Отабек*] *Бу сўроқни ўз-ўзига ҳам бериб кўрмаган, гўё бурунгидек Марғилон йўлига ошиқиб ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шоҳ Машираб йўлга чиқсалар, худонинг қудрати билан, ернинг таноби тортилиб, йўл қисқарар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

**7** Босиб ўтиладиган оралик; масофа. *Бундан буён мотоцикл йўлингизни яқин қилади.* С. Анорбоев, Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари. *У Миён Қудрат ҳазратни зиёрат қилиш учун озмунча йўлни пиёда босиб келдими? К. Яшин, Ҳамза.*

**8** Маълум бир транспорт воситаси учун йўналиш қурилмаси. *Темир йўл. Трамвай йўли.* ■ *Поезд йўли майда тош, Бойнинг қизи қаламқош.* «Бойчечак».

**9** Айрим нарсаларнинг йўналиш чизиги, жой оралиги. *Нафас йўли. Сийдик йўли. Хасхашаклар сув йўлини тўсиб қўйибди.*

**10** Бирор нарсага, юзага тортилган, туширилган чизик, из. *Бир йўли оқ, бир йўли мошаранг беқасам.* ■ *Эшикда тиккасига оқ ва қора йўллардан иборат пижама кийган, бошланг Азимбоев кўринди.* «Гулдаста».

**11** Қатор, сатр; мисра. *Бир неча йўл хат.* ■ [*Анвар Раънога:*] *Менинг ёзганимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёзганингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, менинг икки йўлимга жавоб бўлсин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**12** кўчма Бирор нарсанинг йўналиш, келиш-кетиш оқими, йўналиши. *Ҳаёт ўз йўлидан борар, баҳор болаларга ўз қувончи, ўз шодликларини саҳийлик билан тақдим этган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Ҳамза ҳақиқат йўлидан, маърифат йўлидан, Фурқат васият қилган йўлдан боради.* К. Яшин, Ҳамза.

**13** Фаолиятда амал тарзи, қилинадиган, тутиладиган иш-амал. *Ҳозир сенларга икки йўл: ўғил, қизингни сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариш..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тақдирдан шикоят қилмадим сира, Сизга ҳам шу йўлни маслаҳат кўрдим.* Шуҳрат. *Иккисининг йўли ҳам гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Бири йиғиб ўлган, бири еб ўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**14** Куй, қўшиқ ва ш.к. да ўзига хос усул. *Орзую армонимни шеърый йўлда қайтадан*

Сўзлаб турибман, балки ёшлик бўлиб баҳона. А. Орипов. Зеби кириб, майда йўллардан бирини олди. Дуторнинг овозига эндигина ўз овозини қўшаман деганда, ташқаридан мингбошини чақирдилар. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**15** Имкон чораси. Ҳеч бўлмаса, жонни сақла эди сен, Бир йўл толиб қочмоқ керак бу элдан. Ҳ. Олимжон. Содиқжон бойвачча чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди. Аммо сўраб билишнинг ҳозир асти йўли йўқ эди. К. Яшин, Ҳамза.

**16** кўм. *взф.* (асосан ў.-п. к. да — йўлида) Сабаб, мақсад каби маъноларни билдиради; бора(си)да, учун. Кимики халқ йўлида, халқ ғамидан тер тўкса, қўли ҳамма ерда баланд бўлсин.. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Шунинг учун ҳам сенга етишмоқ йўлида жонни хатарга қўйиб, кеча-кундуз югурганманда.. К. Яшин, Ҳамза. Уқувчиларни жўшқин меҳнат фаолиятига тайёрлаш йўлидаги изланишларимиз ҳозирнинг ўзида ўз самарасини бермоқда. Газетадан.

**Йўл бермоқ** 1) ўтиб кетиш учун йўлни бўшатмоқ. Мансур пастак эшикни очиб, Гавҳарга йўл берди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) тўсқин бўлмаслик, қаршилиқ қилмаслик; имкон бермоқ, йўл қўймоқ. ..улар меҳнат аҳлини истаганларича ишлатиб, ҳамёнларини яна ҳам қаппайтиришлари учун авомнинг фикрини очишга йўл бермайдилар. К. Яшин, Ҳамза. **Йўл босмоқ** Маълум масофани юриб ўтмоқ. Мاستон неча километр йўл босганини ва яна неча километр босиш кераклигини билар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. **Йўл бошламоқ** 1) йўловчиларни бошлаб юрмоқ. -Юринг, — деди Талъат йўл бошлаб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) иш-фаолиятда раҳнамолик қилмоқ; етакчилик қилмоқ, етакламоқ. **Йўл бўлсин?** 1) қаяққа боряпсиз? Ҳа, ийгитнинг гули, йўлнингиз бўлсин? Т. Малик, Ажаб дунё; 2) (ж.к. билан) кўчма бирор ишни бажариш кимсанинг қўлидан келмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. *Шеър ёзишга сенга йўл бўлсин.* **Йўл кўрсатмоқ** 1) олиб борадиган йўлни кўрсатмоқ. Адашган йўловчига йўл кўрсатмоқ; 2) йўл-йўриқ кўрсатмоқ, қандай йўл тутишни айтмоқ. [Ёрмат] Эликбошига ялинди: -Ман ғарибга йўл кўрсатинг. Кимга арз қилай? Ойбек, Танланган асарлар. **Йўл олмоқ** Бирор томонга юришни бошламоқ, йўлга тушмоқ. Тонготарда хужрадан чиққан Меъмор

карвонсарой ҳовлисини кесиб ўтиб, дарвозадан ташқарига йўл олди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Йўл солмоқ айн. йўл олмоқ.** Яраш половон тўғри колхоз идорасига йўл солди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Йўл қўймоқ айн. йўл бермоқ** 2. ..нимаики иш қилса, одамлар хурсанд бўлишини ўйлаши, сахийлиги биронта кишининг бу қизга ўқрайиб қарашига йўл қўймасди. Мирмуҳсин, Меъмор. -Ота, устоз ҳақлар, — деди Ҳамза. — Ҳийлага баъзан шарият ҳам йўл қўяди. К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга кирмоқ** Юришни бошламоқ (гўдак ҳақида). *Адолат йўлга кирди дегандан бошлаб топганини сандиққа ташлади.* С. Зуннунова, Олов. ..қонига беланган дадангни кўтариб кирганларида, сен йўлга кирган эдинг. Й. Шамшаров, Тошқин. **Йўлга солмоқ** Яхши гапириб, алдаб-сулдаб кўндирмоқ, розилигини олмоқ. *Бўтабой уни [Содиқни] алдаб-сулдаб йўлга солмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Йўлга тушмоқ** 1) бирор йўл билан (бирор томон) юришни бошламоқ. [Нури] .. қовун полизни сайр қилишни баҳона қилди-да, акасининг ўғли Рафиқжон билан бирга йўлга тушди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) тўғри йўл, меъёрий из (йўналиш)га тушмоқ, шундай ҳолат касб этмоқ. *Саводсизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга чиқмоқ** Йўлга отланиб юра бошламоқ, йўл олмоқ. *Взвод ярим тунда йўлга чиқди, разведкага.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. ..авзойидан сездики, у шум ният билан йўлга чиққан. «Ёшлик». **Йўлга қўймоқ** Ташкил қилмоқ, ишга солиб юбормоқ; ривожлантирмоқ; тартибга солмоқ, Ёшлар ўртасида тарғибот ишларини йўлга қўймоқ. **Йўлдан оздирмоқ** Нотўғри (номақбул) йўлга бошламоқ, ёмон йўлга чалғитмоқ. *Сизнинг мулойим, одобли синглингизни ҳам йўлдан оздиришим мумкин.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Йўлдан тойдирмоқ** Нотўғри йўлга чалғитмоқ, бурмоқ. ..мусулмонларни ҳақ йўлдан тойдирмоқчи бўлган шул китобларни ағдар-тўнтар қилиб, кўчага чиқариб ташлагим келди. К. Яшин, Ҳамза. **Йўлдан урмоқ** Тўғри йўлдан чалғитмоқ. *Йўқ, энди Менглибойни ҳеч ким йўлдан урولмайди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Тағин мени йўлдан уряпти деб ўйламанг. Сизни яхши кўрганым учун айтман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Йўлдан чиқармоқ айн. йўлдан урмоқ. Йўлдан қайтармоқ** 1) орқага қайтишга мажбур қилмоқ; 2) кўчма кишини ёмон хулқ ёки но-

жўя хатти-ҳаракатдан тиймоқ, тўхтатиб қолмоқ. *Муҳаммадражаб.. хотини орқали уни шу йўлдан қайтаришга уринди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Йўли очилмоқ** Бахтли бўлиб, иши юришиб кетмоқ. *Йўли очилган йигитнинг янғиси олди-дан чиқар.* Мақол. **Йўли тушмоқ** Юриши, сафари бирон жой, (томон)га тўғри келмоқ. *Қабристонга тушганда йўлим, Мен шу ғамгин ҳолни кўраман.* А. Шер, Қадимги куй. **Йўли учун айн.** **йўлига** ..*ёлғизгина қизининг кўз ёшларига юраги дош беролмадими ёки йўли учун шундай қилдими — Абдураҳмонбой.. қизини юпатишга тушди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлингдан қолма** Сенда ишим йўқ, менга керагинг йўқ, кетавер. *“Ёрдам берган бўлсангиз, раҳмат, йўлингиздан қолманг”,* демайдими қиз. Ҳ. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. **Оқ йўл тиламоқ қ. оқ.** ..*улар билан чанга ботиб бораётганлигидан мамнун бўлиб, ичида унга оқ йўл тилаб, дераза пардасини туширди.* К. Яшин, Ҳамза.

**ЙўЛА:** бир йўла 1) бирдан, бир вақтнинг ўзида. У [Соттихон] бир йўла тўрт станокда одми шойи тўқишга ўтди. Туйғун, Станоклар ёнида. *Бир йўла машинадан ҳам, узангидан ҳам ажраб қолмай, деб тиришиб ётибмиз.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) бутунлай. *Мени энди бир йўла йўқолганга чиқариб қўя қолинглар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаётмамот; 3) бир бор, бир марта. -*Менимча қутидарнинг олдидан бир йўла ўтилсин, — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЙўЛАК 1** Кўчадан девор бўлган олиб боралган, икки томони девор бўлган узун йўл. *Қулмат отани қидириб, ичкари билан ташқарини қўшадиган кенггина йўлакка чиқди-да.. эшик тирқишидан ташқарига мўралади.* К. Яшин, Ҳамза. **Йигитали хайрлашишни ҳам унутиб, йўлакдан кўча томон юрди.** Д. Нурий, Осмон устун.

2 Бино ичида хоналарга бориш учун хизмат қиладиган йўл; коридор. *Таниш қошонанинг беҳисоб шамлар зўрға ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ғойиб бино йўлагининг ҳар ер-ҳар ерида осиглиқ деворий газеталарни кўрсатарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 айн. **йўлка.** *Ўртасига атиргул, райҳон ва гултожихўроз экилган ҳовлининг ўнг томонидаги йўлак бўйлаб юриб, юқоридаги синч деворли пастак уйга киришди.* «Муштум». *Сезар — япроқ юракка ўхшар. Ҳа, шу оддий асал-*

*ранг япроқ Тош йўлакка айланиб тушар.* Х. Даврон. *Семонланган ариқчалардан жиблираб сув оқиб ётибди.* *Йўлаklar тоза.* С. Нуров, Нарвон.

**ЙўЛАКАЙ** Йўлда кета туриб, ўта туриб; йўл-йўлакай. *Баҳорги каникулда Қудрат.. Кўкоролга бир-икки келган, йўлакай Булоқҳовузни кўриб ўтган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Ҳамшира] *Қудратга қуллуқ қилиб, ташқари юраркан, йўлакай радио қулоғини бураб қўйди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ЙўЛАМОҚ 1** Яқин келмоқ, бормоқ; яқинлашмоқ. *Қани энди на трамвай, на троллейбусга йўлаб бўлса: зинасигача одам.* Ҳ. Юсуфжонов, Жўнатилмаган хат. *Низомжон қизлар звеносига йўламай қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йўқ, сиз каттасиз, сиз айтинг! Мен яқин йўламайман!* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 кучма Дахл қилмоқ; илашмоқ; яқинлашмоқ. *Сизнинг аъзойи баданингиз.. ҳатто тирноқларингизгача спиртлашиб кетган.* *Энди сизга ҳеч қандай касал йўламайди.* «Гулдаста».

3 шв. Суямоқ, суяб қўтармоқ; қўлтиқламоқ. *Мамарайим пилдираб бориб, отни келтирди-да, хўжайинни қўлтиғидан йўлаб миндирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЙўЛБАРС 1** Мушқусимонлар оиласига мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. *Йўлбарс териси.* *Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак.* Мақол.

2 айн. **барс 2.**

3 Йўлбарс (эркаклар исми).

**ЙўЛБОШЧИ 1** Бирор синф, партия ёки ижтимоий ҳаракатнинг ғоявий ва сиёсий раҳбари; йирик раҳбар, бошлиқ. *Исломхўжа ёш миллий буржуа вакиллариининг йўлбошчиси эди.* Ж. Шарипов, Ҳоразм.

2 с.т. Йўл бошловчи, бошлаб борувчи. *Йўлбошчи серка қоматини ғоз тутиб, олға қараб турди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

**ЙўЛБОШЧИЛИК** Йўлбошчи бўлиш, бошқарувчилик. *Ақл йўлбошчилик қилолган ерда, чўлоқ чумолидек ожиз Геракл.* Ф. Фулом. *..кўп нарсани биларди, деҳқонларга йўлбошчилик қиларди у.* Ойбек, Нур қидириб.

**ЙўЛДОШ 1** Йўлда, сафарда бирга бўлган киши; ҳамроҳ. *Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл.* Мақол. ■ *Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан, Мен қоларман уйда кўз ёшим билан.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Бирга бўлувчи шахс ёки нарса. *Аммо Жамилев ва унинг йўлдошлари истеътигандек аблаҳлар билан ҳалол кишиларни аралаштириб юбориш учун ҳеч кимга йўл қўйилмайди.* Газетадан. *Ғам ила ғусса бўлибдир йўлдошим хон дастидан.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 *астр.* Бирор планета ёки юлдуз атрофида ҳаракат қилувчи осмон жисми. *Ой — Ернинг йўлдоши. Ернинг сунъий йўлдоши.*

4 *анат.* Ҳомиладорлик пайтида ҳомилани она танаси билан боғлаб турадиган, бола туғилгач, ундан кейин тушадиган, ҳомила пардалари ва киндик тизимчасидан иборат тузилма. *Агар унинг ёнида йўргакда ётган чақалоқ бўлмаганида, жувон кўзи ёриган одамга ўхшамас, қорни бояғидай эди.* Бу — йўлдошнинг шиша бошлаганидан далолат. С. Анорбоев, Меҳр.

5 *Йўлдош* (эркаклар исми).

**Умр йўлдоши** Бирга турмуш қурган икки кишидан ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Саломат бўлишингизни тилаб қолувчи: бўлажак умр йўлдошингиз Эътиборхон.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

**ЙЎЛИГА 1** *Йўл* с. нинг ж. к. шакли. *Йўлига пойандоз солмоқ.*

2 *Чалғитиш, панд бериш ва ш. к. учун; йўли учун (қ. йўл).* *Бу гапни йўлига айтдим-қўйдим-да.*

**ЙЎЛИҚМОҚ 1** *Дуч келмоқ, учратмоқ, учрашмоқ.* [Отабек] *Бундай бўлмағур таклифни эшитмас(лик) учун.. онасига йўлиқишдан қочиб юришга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғайратинг бор экан, шунда синадим, Йўлиқса, изиллаб қочади девлар.* «Равшан».

2 Бирор иш-юмуш билан учрамоқ; учрашмоқ. *Ҳакимбойваччага йўлиқиб, унга ялинсангиз.. шояд сизга раҳм қилса.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *Дучор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ; чалинмоқ.* *Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Натижада юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси.. вафот этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЙЎЛ-ЙЎЛ** Узун-узун, баъзан ранг-баранг йўллари бўлган, узун-узун йўлли. *Йўл-йўл чит.* ■ *Хотин ичкари хонага кириб, йўл-йўл халат кийиб чиқди.* С. Аҳмад, Меҳрибон.

**ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ 1** *Йўл бўйи, йўл давомида, йўлда кетаётиб, давомли, такрор тарзда.* *Йўл-йўлакай қамиш бўйи ниҳоллар учрай бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *У йўл-йўлакай бир талай латифалар айтди, ўз саргузаштларини ҳикоя қилди.* Газетадан.

2 *айн. йўлакай.* *Мен ҳам шошяпман. Сизни йўл-йўлакай ташлаб ўтишим мумкин.* «Муштум».

**ЙЎЛ-ЙЎРИҚ 1** Бирор иш, тadbирни амалга ошириш тартиб-қоидалари мажмуи. *Кимни колхозга олиш, кимни колхоздан чиқариш колхозчиларнинг ўз ихтиёрида.* *Бунинг ўз йўл-йўриғи бор.* *Ўртоқ Самандаров ана шу йўл-йўриқни бузганлар дейдилар, холос.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биз бунинг йўл-йўриғини судлардан сўраб-сўраб, ўзимиз ҳам ярим-ялли суд булиб қолганмиз.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 *Бажариш тартиби, йўли ҳақидаги фикр, гап, кўрсатма.* *Ҳамма жим бўлди.* *Ўтирганлар вазири бузрук томон қараб, ундан қандайдир йўл-йўриқ кутди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тўлқин олимлардан йўл-йўриқ сўраб, маслаҳат олиб келди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 *Иш-топшириқ, бажариладиган ишлар ҳақида кўрсатма; буйруқ.* *У кишининг йўл-йўриқларини бизлар ҳеч қандай гап-сўзсиз бажо келтирамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Ичкарида очик деразалардан кайвони хотинларнинг бақариб-чақариб йўл-йўриқ бергани эшитилди.* С. Сиеёв, Ёруғлик.

**ЙЎЛКА 1** *Одатда кўча четида тош, ғишт ёки асфальт ётқизиб, бир оз кўтариб текисланган, пиёдалар юрадиган тор йўл; тротуар.* *Катта йўлга тош ётқизилиб.. йўлкалар асфальт қилинган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Домла кўчанинг ўртасидан юрмай, йўлка билан, бошини кўтариб, жиддий важоҳат билан ўтаётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *Ҳовли, боғ ва ш. к. жойларда юриш учун ажратилган махсус йўл.* *Девор тагидаги қуруқ йўлкадан уч-тўрт қадам юриб, тўхтаб қолди.* *Ичкаридан рубоб овози эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Хиёбонга қараб кетдик.* *Сув секиб сузурилган тоза йўлкалардан секин-секин юриб, анча кездик.* «Муштум». *Йўлканинг ўнг томони — мевазар, чап томони — тоқзор: икки ишкомгина узум.* Ҳ. Фулом, Бинафша атри.

**ЙЎЛКИРА** Йўл транспортдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ, йўл ҳақи, кира пули. *Усмонжон уни [пулни] йўлкира қилиб, уйига қорук кириб келди. С. Зуннунова, Олов. Холдор сўхбатдан секин сирғалиб чиқиб.. ҳукуматдан йўлкирага олган пулини яна санай бошлади. А. Мухтор, Туғилиш. Фестивалга борадиганлардан йўлкира олинмайди, тушундингми, болакай. Газетадан.*

**ЙЎЛЛАМОҚ 1** Йўл кўрсатмоқ, йўл бошламоқ, йўналтирмақ. *Турдимат сел сувини саккиз ариқ, икки каналга йўллади. И. Раҳим, Ихлос. Сидиқжон бўсагадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб, онасига йўллади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ичкарига олдин отани йўллашди, сўнгра ўзлари киришди. С. Маҳқамов, Шогирд.*

**2** Жўнатмоқ, юбормоқ. *Салом йўлламоқ. Дўстимга бир мактуб йўлладим. ■ Бобурга совга-саломлар юбориб, унинг ихтиёрига бир неча юз навкар ҳам йўллабди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**Жаҳаннамга йўлламоқ** Ўлдирмоқ, жонини олмоқ. *Уламо ҳазратлари, руҳсат берсалар, зумда жонини жаҳаннамга йўллар эдик. Ойбек, Улуғ йўл. Тўп йўлламоқ* Тўпни дарвозага киритмоқ. *Қулай имкониятдан тўпни дарвозага йўллай олмади.*

**ЙЎЛЛАНМА 1** Бирор жойга (ишга, ўқишга, даволаниш ва ш. к. ларга) юборилувчи кишига бериладиган расмий гувоҳнома, ҳужжат. *Маҳаллий комитетда баҳаво жойлар учун йўлланмалар бор. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Эртаси куни ёш ўқитувчилар маориф бўлимининг йўлланмаси билан бирин-кетин ҳар томонга тарқала бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** мах. Транспорт ҳайдовчиларнинг маршрути ва қилаётган иши ёзиб қўйиладиган алоҳида варақа. *Шофёрлар шаҳарни тозалаш учун йўлланма олишди-ю, аслида ҳар ким истаган томонига қараб кетди. Газетадан.*

**3** Йўл-йўриқ, кўрсатма.

**Ҳаётга йўлланма кт.** Мустақил иш қилиш учун имкон берувчи билим, малака ва ш. к. *..ҳаётга йўлланма олаётган йигитдир, қиздир олий маълумотли бўлгиси келади. Х. Тўхтабоев, Товламачи.*

**ЙЎЛЛАНМОҚ 1** Йўл олмоқ; йўналмоқ. *Ёш муллавачча таъзим билан ўрнидан туриб,*

*Ғуломжон ҳужрасига йўлланди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**2** **Йўлламоқ** фл. мажҳ. н.; жўнатилмоқ, юборилмоқ. *Марғилон ва ўзга шаҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига мурожаатномалар йўлланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЙЎЛЛИ 1** Йўли бор, йўл туширилган. *..оқ йўлли кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан таниди. П. Қодиров, Уч илди.*

**2** кам қўлл. Ўринли, жўяли. *..уларнинг сўзидан йўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишга тиришади. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЙЎЛМА-ЙЎЛ 1** Ҳар бир сатри алоҳида, сатрма-сатр; бирор сатрини қолдирмай. *Йўлма-йўл таржима. Китобни йўлма-йўл ўқиб чиқмоқ.*

**2** айн. **йўл-йўлакай.** Бўлган воқеаларни йўлма-йўл ҳикоя қилиб кетарди.

**ЙЎЛОВЧИ 1** Йўлла кетаётган, ўтиб бораётган шахс. *Кўчаларда йўловчилар сийраклашди. С. Анорбоев, Оқсой. Тоққа қараб кетган худди шу симёғочли йўлда бир пиёда йўловчи бормоқда. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** Бирор транспортда кетаётган шахс; пассажир. *Автобус йўловчилар билан лиқ тўла эди. ■ Бу ерда йўловчилар поезд жўнашига бир соат қолгунга қадар чамадонларини тузатиб олишлари ва бошқа майда-чуйда ишларини бажаришлари мумкин. Газетадан.*

**ЙЎЛОЁҚ** эск. **1** Узоқ сафарга чиқиш муносабати билан бериладиган зиёфат, ҳада. *Йўлоёқ улашмоқ.*

**2** с.т. Кузатиш, хайрлашиш олдидан кичик бир хурсандчилик қилиш, оз-оздан май ичиш.

**ЙЎЛПАШША** Халқ эътиқодига кўра, уйга меҳмон келишидан дарак берувчи катта кулранг пашша. *Уйда ногоҳ йўлпашиша учса, Онам кутар, албатта, меҳмон. Э. Воҳидов. Хонага кириб қолган бир йўлпашиша гир айланиб, самолётдек вағилларди. Мирмуҳсин, Нуқра.*

**ЙЎЛСИЗ 1** Йўли йўқ, йўл тушмаган. *Улар деярли одам изини кўрмаган йўлсиз тепаликлар, унқир-чўнқир нотекис ерлар.. ора-лаб юришарди. А. Ҳакимов, Илон изидан. Йўллардан ўрмонга, ўрмондан ботқоққа, ботқоқдан очик, йўлсиз далага.. ўтиб, узоқ юрди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**2** кам қўлл. Ўринсиз, ножўя. *..уларнинг сўзидан йўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишга тиришади. А. Қодирий, Обид кетмон.*



**ЙЎЛСИЗЛИК** Йўл йўқ ҳолат. Ёввойи чўл кечган кишигина жазирама қум саҳросининг машаққатли сафари, йўлсизлик азобларини тасаввур эта олади. А. Ҳақимов, Илон изидан. Отнинг тор кучанинг ниҳоятига етиб, йўлсизликдан тўхталганини англагач, [Отабек] ўтган ишлардан ўзига ҳисоб бера бошлади. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЙЎЛСОЗ** Йўл қурилиши ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Шу кунларда бу йўлдан ўтиб қолсангиз, йўлсозларнинг кўчага асфальт ётқизаётганлигининг шохиди бўласиз.* Газетадан.

**ЙЎЛТЎСАР** Йўловчиларни тўсиб, уларни талайдиган шахс; қароқчи. *Тоғ. Бу ерда йўлтўсарлар бор.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Олдимиздан йўлтўсарлар, ўғрилар.. чиқиб қолади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЙЎЛТЎСАРЛИК** Йўлтўсарлар иши. *Қани энди, кўзимга ўша номард кўринса-ю, йўлтўсарлик қилиб мой чайнайдиган тишларини битта-битта суғуриб олсам, эҳ. Ф. Садриддинов, Тундаги воқеа.*

**ЙЎЛЧИ 1** айн. йўловчи. *Якка йўлчи манзилга етолмасди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қарайсан: йироқда бир йўлчи танҳо На орта бурилар, на чиқарар сас.* А. Орипов.

**2** Йўл бошловчи. *Яёв йўлчи отликларни тўғри йўлдан эмас, аҳоли яшайдиган жойларни четлаб.. адир ва тоғликлар оралаб бошларди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**3** айн. йўлсоз. *Айланма маэстралнинг барпо қилинишида тажрибали йўлчилар қаҳрамонона меҳнат қилдилар.* Газетадан.

**4** Йўлчи (эркаклар исми).

**Йўлчи юлдуз** Йўл кўрсатувчи, раҳнамо. [Ботирали] *Менга янги ҳаёт йўлини кўрсатган йўлчи юлдузим эди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЙЎНАЛИШ 1** Йўналмоқ фл. ҳар. н.

**2** махс. Бирор нарсанинг ҳаракатдаги йўли; траектория. *Тик йўналиши. Снаряднинг йўналиши.* ■ У [Шайбонийхон] отларнинг чопқирини танлаб қўйган, бугун эса шамолнинг йўналишинию, ернинг нишаблигини ҳам ҳисобга олган эди. П. Қодирӣ, Юлдузли тунлар.

**3** Ҳаёт, фаолиятдаги муайян йўл. *Бу экспедиция бир ёқдан Шералининг геологияда ўз ўрни, мавқеи, йўналишини белгилаб берган бўлса, шкинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққатини жалб этди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баҳром билан дўстлашувим ҳаётим-*

*нинг бундан кейинги йўналишига катта таъсир ўтказди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

**4** Илм-фан ва б. соҳаларга хос оқим, уларнинг соҳаси, тармоғи. *Ҳозирги кунда илм-фаннинг бирор йўналишида етук мутахассис бўлиш учун фаннинг бошқа йўналишларини ҳам чуқур билиш керак.* Газетадан.

**ЙЎНАЛМОҚ 1** Бирор томонга қараб йўл олмоқ; юрмоқ, жўнамоқ. *Ийигит гапини айтолмай, бўшашиб, эшик томонга йўналди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Аҳмад кеч қолаётган эди, шунинг учун.. яёв тепага йўналди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**2** кўчма Қарамоқ, қаратилмоқ, Ҳамманинг диққати раисга йўналди. *Раис индамай, бамайлихотир чой ичиб ўтирарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**ЙЎНАЛТИРМОҚ 1** Йўналмоқ фл. орт. н. *..подшоҳ энг яқин беклари билан сойнинг нарига четиди туриб, қўшинни кўприкка томон йўналтирмоқда эди.* П. Қодирӣ, Юлдузли тунлар.

**2** Иш-ҳаракат, фаолият ва ш.к. ни бирор томонга бурмоқ, қаратмоқ. *Десантларни ягона мақсад йўлига йўналтириш керак эди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Ёшларни касбларга йўналтиришда, ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этишда унинг [«Қамолот» ёшлар ҳаракатининг] роли ортиб бормоқда.* Газетадан.

**ЙЎНДИРМОҚ 1** Йўнмоқ фл. орт. н. *..тоғдан йўндириб келиб ётқизилган тошлар кўчаю бозор саҳнини лой-чангдан асрар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**2** Топмоқ, ундирмоқ (йўқ жойдан). *Техникани йўқ жойдан йўндирди.* «Саодат». *Борни тежаб, йўқни йўндириб, дам оч, дам чала қурсоқ бўлиб яшадик.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙЎНИҚ** Йўниб маълум шаклга киритилган; йўнлган. *Йўниқ тош.*

**ЙЎНМОҚ** Бирор нарса ясаш, тўғрилаш мақсадида қирқмоқ, кесмоқ, тарашламоқ. *Полвон.. бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди.* А. Қаҳқор, Кўр кўзнинг очилиши. *Аваз узун бир ёғоч топиб, ўғлига қармоқдаста йўниб қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Дадаси ҳўл қайрағочни кўр аралаш кулга кўмиб, тўғин, эгар, кегай йўнар эди.* А. Мухтор, Чинор. *Матқовул қишда ҳам тинмади. Ўзича омов йўнди, мола ясади..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЙЎНҒИЧҚА** Дуккакли ўсимликлар оиласига кирадиган, ем-хашак бўладиган ўтсимон ўсимлик; беда. *Йўнғичқа ўрмоқ.* ■ Яна шу ерни чопдик. *Йўнғичқанинг илдизини сугурдик.* Ойдин, Гулсанам. *Йўнғичқа ўроққа кеп қопти-ку?* Ш. Холмирзаев, Арпали қишлоғида.

**ЙЎНҒИЧҚАЗОР** Йўнғичқа экилган майдон. *-Хув анави сой бўйидаги йўнғичқазорга [отни] олиб бор, — деди Зиёбек Кенжага.* Н. Фозилов, Оқим.

**ЙЎНҒИЧҚАПОЯ** шв. Йўнғичқазор. *Йўнғичқаяя пуштасидан юриб, айвонларига чиқиб борди.* Ш. Холмирзаев, Арпали қишлоғида.

**ЙЎРГАК** Чақалоқни ўрайдиган кичик чойшаб. *Болани доим озода, йўргакларини тоза, қуруқ тутуш керак.* ■ Чақалоқнинг оёғи 100 x 120 см ли йўргакка сиқмай ўралади ва икки ойлик бўлгунча шу тарзда кийинтирилади. «Саломатлик».

**Йўрғакда теккан (касал)** Ёшлиқдан ўрганган, туғма одат. *-Бу [амални суиштемол қилиш] Тожибойнинг йўрғакда теккан касали, — деди Абдураул.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Зўравонлик немисга йўрғакда текканга ўхшайди, — деди ямоқчи чол.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ЙЎРГАКБОҒ** Йўрғак устидан боғланадиган боғ, тасма. *Мехринисо шошиб, чақалоқни йўрғаклар экан, ҳали йўрғакбоғни ҳам боғламай туриб, эшикдан Зоҳида кириб келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ЙЎРГАКЛАМОҚ** Йўрғакка ўрамоқ. *Чақалоқни йўрғакламоқ.* ■ Назаримда, қизим, сиз киндигингизни кесиб, йўрғаклаганларни, опичиб катта қилганларни ҳам унутиб юборганга ўхшайсиз. Мирмуҳсин, Йўқолган жавахир.

2 кўчма Ўраб-чирмамоқ (тарбия, улғайтириш билан боғлиқ); қоғламоқ. *Гузал Тошкент, қулоқ сол меҳмонингга, Ишқимизни йўрғакладинг, шод этдинг.* Т. Тўла. *Она ер ялпизларни митти япроқчаларга йўрғаклади.* «Саодат». *Дилимда йўрғакланган мисралар тилим учуда айланади.* М. Қўшоқов, Олти қизнинг ичиди.

**ЙЎРИҚ 1** Амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбир; йўл. *Ҳар ишнинг ўз йўриғи бор.* ■ Чигалларнинг ҳаммасини жума кунги кенгаш ечади. *Ҳаммамизнинг ҳаёт-мамотимиз йўриғи ўша кунни белгилаб берилади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Бирор масалада тутган мавқе, аҳамиятти алоҳида қайд этади. *Онанинг йўриғи бошқа экан: битта чақалоққа икки эркак бас келолмасдик.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Сизнинг йўриғингиз бошқа, сизнинг соянгиздан ҳам ҳайиқишади.* С. Нуоров, Нарвон.

**Шу йўриқдан кам қўлл.** Шу сабабли. *Шу йўриқдан мен нима юмуш билан келганимни айтишдан кўра, чолу кампирнинг ҳол-аҳволини сўрашни афзал кўрдим.* «Муштум».

**ЙЎРИҚНОМА 1** Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат. *Лавозим (мансаб) йўриқномаси.*

2 Бирор нарсани, унинг амалга ошириш, бажариш тартиби ва усулини белгиловчи қоидалар тўплами, кўрсатмалар. *Қонунни қўллаш ҳақида йўриқнома.*

**ЙЎРМА** Каштачилик (каштадўзлик)да занжирсимон чок. *Йўрма қилиб тикмоқ.* ■ *Тикиши силлиқ эмас: Уғирмаси — чакмага, Санамаси — йўрмага Кундош бўлиб тушгандай.* Ф. Фулом.

**ЙЎРМАДЎЗ** Йўрма тикувчи мутахассис, чевар

**ЙЎРМАДЎЗИ** Йўрма усули билан тикилган ёки гул солинган буюм. *Анорхоннинг устиди қизил атлас кўйлак, бошида йўрмадўзи дўппи.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ЙЎРМАДЎЗЛИК** Йўрма усулидаги чок билан бадиий буюмлар ва кийимларга гул (нақш) тикиш иши, касби. *Йўрмадўзлик билан шуғуланмоқ.*

**ЙЎРМАМОҚ** айн. кўкламоқ II.

**ЙЎРТМАЧОҚ** Йўртиб, сакраб юрадиган.

**Йўртмачоқ бола** Эндигина йўлга кирган, юра бошлаган бола.

**ЙЎРТМОҚ** Йирик қадам билан тез юрмоқ, елмоқ; лўқилламоқ (от ва эшак юриши ҳақида). *От бош силкиб.. йўртиб кетмоқда.* С. Аҳмад, Ҳуқм.

**ЙЎРТОҚ(И)** Йирик қадам ташлаб, елиб юрадиган. *Йўртоқ йўрғага йўлдош бўлмас.* Мақол. ■ [Қорасоч] *Ҳар қалай, йўрға тугул, йўртоқ бўлса ҳам, от миниб, дала кезишни ор этмас эди.* Т. Сулаймонов, Қорасоч.

**ЙЎРҒА 1 1** Майда қадам ташлаб, тез юрадиган (от, эшак ҳақида). [Мингбоши] *Энг яхши зор чопонини кийиб, тилла камарини боғлаб, узун қилчини осиб, саман йўрғани миниб, йўлга чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Гулноранинг дадаси қишгача*

миниб юра қол, деб йўрға эшагини берган. С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Шундай тарздаги юриш. *..Жўра, бу қайноқ ҳаётни кўрмагандай, кўчанинг бир четидан от йўрғасига маҳлиё бўлиб.. борарди. Ҳ. Шамс, Душман. Якка отнинг йўрғасидан чиқарми чанг? Ф. Фулом.*

**Йўрғаси чиқмоқ айн. оёқ чиқармоқ қ. оёқ.** *Полвонга жир битувдики, йўрғаси чиқиб қолди.. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Йўрға чиқармоқ айн. оёқ чиқармоқ қ. оёқ. [Ҳожар:] Бу қора ер юткурнинг йўрға чиқаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**ЙЎРҒА II** Бешикнинг бир текисда, осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама.

**ЙЎРҒАЛАМОҚ I** Йўрға юриш қилмоқ (от, эшак ҳақида). *Абдусамад амакининг орқасига мингашиб олдим. От йўрғалаб кетди. М. Мансуров, Ёмби. Тагимдаги қашқа дўнон бир меёлда йўрғалайди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.*

**2** Умуман, майда ва тез қадам билан юрмоқ. *Бухгалтер сўридан тушиб, тўй бўлаётган ҳовли томон йўрғалади. М. Ҳазратқулов, Журъат. Шундай йўғон бўлишига қарамай, беданадай йўрғалади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**3** кўчма Нарсанинг бирор сатҳ узра тез ҳаракатига нисбатан кўлланади. *Қалами йўрғалаган сари, юмалоқ юзи хиёл ёришиб, қийиқ кўзлари пирпирар эди. М. Осим, Сеҳрли сўз. [Мунисинг] Оқ бармоқлари клавишлар устида йўрғалаб, унинг юрак сўзларини куйга кўчирар эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**4** Енгил ҳаракат, майда қадамлар билан ўйинга, рақсга тушмоқ. *Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. [Холмат:] Гўзаларнинг гўзали! Энди иккитагина хурсандчилик қиламиз-да. Бир йўрғалаб берасиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ЙЎСИН I I** кам қўлл. Ҳолат, тарз. *Шакрнинг йўсини ўзгармаган, унча-мунча гап, насиҳат бакор келмаслиги кўриниб турибди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

**2** кўм. *взф. Ухшатиш, қиёс маъносини билдиради. Отабекнинг Марғилонга бориб келиши шу йўсинда эди. А. Қодирий, Ўтган*

кунлар. *Сўнгра [қизча] ўз ишидан миннатдор йўсинда қора кўзларини атрофга бир жавдиратиб олди-да, тез чиқиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЙЎСИН II** Зах ерларда, тош, дарахтлар устида ўсадиган илдизсиз майда ўсимлик, мох. *Тош устини йўсин қоплабди. ■ Челақни тўлдириб, қаддини ростлади. Қум, сувдан йўсин, йод ҳиди келарди. С. Нуров, Нарвон.*

**ЙЎТАЛ I** Нафас йўлининг касалланиши, қичиши туфайли хириллоқ ва шовқин аралаш ўқтин-ўқтин кучли зарб билан нафас чиқариш. *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпкани қичитиб, йўтални қистатар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Домла йўталди ва йўталнинг зўридан қизариб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** Шундай ҳодиса билан кечадиган касаллик. *Йўтални даволамоқ. Йўталга қарши дори бермоқ.*

**3** Бирор нарсдан белги (хабар) бериш, унга ишора қилиш мақсадида чиқариладиган шундай товуш. *Бўтабой бу йўталнинг маъносига дарров тушунди.. деразадан ташқарига қаради. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**4** кўчма Пора. *Йўталсиз ҳеч ерда ишинг битмаса, Кўк қоғоз тутмасанг, кўролмасанг кун.. Э. Воҳидов.*

**ЙЎТАЛМОҚ** Йўтал чиқармоқ (йўтал тўғри ва кўчма маънода. қ. йўтал). *Мастон кўзини очиб яна юмди. Турғуной яна узоқ йўталди; Мастон уйғонгандан кейин, унинг елкасига бошини қўйиб, яна йўталди.. А. Қаҳҳор, Мастон. Мурод Мирзонинг одоб юзасидан йўталиб олгани эшитилди, сал ўтмай, унинг узун ва озгин қомати кўринди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ЙЎҶ I** Мавжуд эмас; *зид. бор I. Ўзингда йўқ — оламда йўқ. Мақол. Бу атрофда биронта хонадон йўқ. ■ Корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин йўқ. Газеталан. Одамзод шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам, пайқайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса, пайқамайди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**2** Жавоб ичиди келиб, инкор маъносини ифодалайди; *зид. ҳа. Сидиқжон бир сонини эгарга қўйиб, жувонга томон ўгирилиб*

ўтирди: -Бу ерлар ҳам Қўшчинорга қарашлими? -Иўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -Сиз ҳам қизиқсиз-да, Ҳожи хола. -Иўқ, қизиқ эмасман, тўғри гапни қиялпман, Тўра-хон. М. Исмоилий, Фарғона т. о. -Биласизми, Йўлчи, кимни судрадингиз? -Иўқ, ким ўзи у ит? Ойбек, Танланган асарлар.

3 Гап олдиан келиб, олдинги гапда баён этилган фикрга эътирозни билдиради. *Иўқ, сени шарманда деб таъна эшитишни хоҳламайман.* Ў. Ҳошимов, Қалнинга кулоқ сол. *Иўқ, жаноби бой, саводли билан саводсиз ҳеч маҳалда баб-баравар эмас.* К. Яшин, Ҳамза. -*Иўқ, иўқ, синглим, — ялинди Раҳим Саидов — Утинаман, ҳозир беринг. Жуда ҳам зарур!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

4 Бирор (ўйланган) нарсанинг ундай эмаслигини, юз бермаслигини билдиради. *Олимжон ўн беш кунда қайтмоқчи эди. Бир ой ўтди — иўқ, икки ой ўтди — иўқ. На хат бор, на хабар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртөөв Барно рози бўлиб қолмаса, деб бир сесканиб тушди, иўқ, қиз ноз билан бошини чайқади.* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. *Ёлғиз қўйни ҳайдаш нуқул азоб. Бўйнидан сургайман — иўқ, думбасига арқон солиб тортаман — иўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *от* вzf. Камбағал, қашшоқ; ночор. *Бор бўлсанг, кўролмайди; иўқ бўлсанг, беролмайди.* Мақол. *Борнинг иши фармон билан, иўқнинг иши армон билан.* Мақол. ■ -*Ўлим — тўй эмас, борнинг пулини сочади, иўқнинг сирини очади, — деди кампир ўғлига.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

6 Феълнинг инкор маъноли шаклини яшаш учун хизмат қилади. *Анчадан бери кўрганым иўқ. Уқишга бораётгани иўқ.*

7 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага шахснинг уқуви, бардоши, хоҳиши йўқлигини билдиради. *Лекин мен ҳам мақола ёзишга иўқман, биродар.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Шундай қилиб, Салимхон Обидий касалга иўқроқ одам.* Мирмуҳсин, Умид.

**Баҳоси иўқ** Белги, қимматни кучайтириб ифодалайди; жуда яхши, бебаҳо. *...лекин [Ўрмонжон] яхши одам, худого қараб айтганда, баҳоси иўқ одам.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Гап иўқ** Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас; қойил, жуда соз. -*Зиёфат қалай бўлди? -Эй, гап иўқ! Гапда (ёки гап-сўзда) иўқ* Гапга чечан эмас, гапни яхши

уддалаб гапира олмайди. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни [Рўзиматни] гап-сўзда иўқ, ўзи тўнгина бир йиғит гумон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Жаҳонда иўқ** Яккаю яғоналикни таъкид билан ифодалайди. *Сўзлашдик, хотин, у киши сўзни айлан-тириб, сиздек бахтли ота жаҳонда иўқ, деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Зарари иўқ** Ҳеч нарса қилмайди, ҳечқиси иўқ. -*Зарари иўқ, — деди Каримий пешонасида тўзғиган сочларини бир бош силкиш билан орқага ташлаб.* Н. Аминов, Суварак. -*Ҳа шуми? — кулди Йўлчи.* — *Зарари иўқ, жилдираб оқяпти-ку, она, шу ҳам тошишми?* Ойбек, Танланган асарлар. **Инг иўқ, жинг иўқ** Индамай, ҳеч нарса демай. *Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг иўқ, жинг иўқ ишлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иши иўқ** Эътибор бермайди, қизиқмайди. *Хоннинг ўлик-тирик билан иши иўқ эмиш. Жони ҳалак дейдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. [*Самоварчининг*] *Келган-кетганлар билан унчалик иши иўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иўқ бўлмоқ** Кўздан ғойиб бўлмоқ; йўқолмоқ. *Отаси Маҳмуд ака эса онаси вафот этгач, иўқ бўлиб кетди.* Газетадан. *Бирдан бошим айланиб, аллақандай қоронғиликда иўқ бўлиб кетдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Иўқ деганда** Энг ками, ками билан. *Иўқ деганда беш кило келади. Иўқ демок* Инкор этмоқ, рад этмоқ, эътироз билдирмоқ. -*Иўқ десангиз, бой тилингизни кесармиди? — бўғлиб деди Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иўқ ердаги** Ҳеч қаерда иўқ, умуман иўқ. *...иўқ ердаги ғовғани бошимизга сотиб олдик, деб қилган ишига нушаймон бўлиб ётди.* «Ёдгор». **Кун иўқ** Кун бермайди, тинч қўймайди. *Сиз уйда иўқ вақтларингизда Ҳамдамингиз дастидан менга кун иўқ.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Яккаҳўжалик бўлсанг, сенга кун иўқ, деб бизни колхозга киргани мажбур қилишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнглида кири иўқ қ. кир. Кўргани (ёки кўрарга, кўришга) кўзи иўқ** Жуда ҳам ёмон кўради, кўришни ҳам хоҳламайди. *Уларнинг мени кўргани кўзлари иўқ.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг [Каримовичнинг] кўрарга кўзи иўқ: ҳар бир йиғинда аспирантини чўқий болларди.* Мирмуҳсин, Нуқра. **Мазаси иўқ 1)** кўнгилдагидек эмас, дуруст эмас. *Имтиҳон қилиб кўрдим — мазаси иўқ.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими; 2) *айн. тоби иўқ қ. тоб. Отглиққа иўқ* Кам топиладиган, ноёб, ҳамма ҳам етишавармайдиган

нарса ҳақида. *Кишининг юрагини қон қилиб юборасан.. наинки мен асал олсам! Асал отликқа йўқ, ҳали биз ниёда-ку!* А. Қаҳҳор, Анор. **Саноғи (ёки сони) йўқ** Жуда кўп. *Кўрпатушагини орқалаб, хор-зор юрган одамларнинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. [Эллиқбоши Ҳакимбойваччага:] *Уғри, муттаҳам, дайдиларнинг сони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Суяғи йўқ** Жуда ёқтиради, жуда қойил қилади. *Қабиҳ ишларга суягингиз йўқ, мусаллас шаръий дейсиз.* У. Исмоилов, Сайланма. **Тараф йўқ** Тенглашидигани, етадигани мавжуд эмас; тенглашиб бўлмайд. *..аммо хотинни учта қилишга ҳам уйим йўқ эмас. -Сизга тараф йўқ, тоға!* А. Қодирий, Утган кунлар. **Тоби йўқ** 1) соғлиғи дуруст эмас; касал. *Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? Тобингиз йўқми? Озибсиз-а..* Ойбек, Танланган асарлар; 2) хуши йўқ, ёқтирмайд. *На ўқшига, на юмушга тоби йўқ.* «Гулдаста». -*Биламан, тушунман, кишанга тобинг йўқ, — деди-да, Қоратой кўзларини айёрча қисиб давом этди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Тутуриғи йўқ** Бетайин, ўз гапига амал қилмайдиган. *Шу одам ҳам тутуриғи йўқ, лайчадек сермулозимат бўлиб кетяпти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўзида йўқ** Хурсанд (шод) ҳолатни кучайтиради. *..акажони келтирган жажжи машиначани қизларга кўз-кўз қилиб, ўзида йўқ хурсанд.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. -«*Жаннат, жаннат*» дейишади-ю, жаннат деганлари Қорабулоғимиздан яхшимикан?! — деди у ўзида йўқ қувониб. М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ҳе йўқ, бе йўқ** Бирор нарса демай, ҳеч қандай гап-сўзсиз. *Маҳалламда, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдусаматни аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳечқиси йўқ қ. ҳечқиси.** *Беш-олти мингга қуйибсан, ҳечқиси йўқ.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Йўлчи пинагини бузмай, одатда гапиргандай, деди: -Ҳечқиси йўқ; мўйсафид, бечора одам экан, дуосини олай дедим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳисоби йўқ** 1) сони (саноғи) йўқ, беҳисоб. *Мол-дунёсининг ҳисоби йўқ;* 2) илож-имкон йўқ. *Қайтай десам — қувади, ўтиб кетишининг сира ҳисоби йўқ.* Туриб қолдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ЙЎҚЛАМА 1** Кишиларнинг бор ёки йўқлигини билиш учун рўйхат бўйича уларнинг исм ва фамилиясини айтиб чақириш. *Йўқлама қилмоқ.* ■ *Бир кун, жангдан чиқиб*

*дам олаётган бир бўлинмага бориб қолдим, шу вақт роталарнинг бирида кечки йўқлама бўлаётган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Муаллим йўқламани қилиб бўлгач: -Ўтган дарсда қайси мавзунини ўтган эдик? — деб сўрайди..* Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакатти.

**2 эск.** Мактабда синф журнали. *Бунда [дарсда] 6-8 бола баҳоланиб, уларнинг баҳоси йўқламага ва кундаликка қўйилади.* Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак? *Ҳамшира эриниб, олдидаги йўқламага ўхшаган дафтарни очди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**ЙЎҚЛАМОҚ 1** Ҳол-аҳвол сўрагани бормоқ ёки келмоқ. *Касални йўқлаб бормоқ.* ■ *Сиздан умидим шумиди, улуг, наҳот ҳолинг не, деб бирор марта йўқлаб келмасангиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Раҳмат, Эътибор опа, шунданшунга овора бўлиб йўқлаб келибсиз!* Ҳ. Фулом, Машғал.

**2 этн.** Бирор муносабат билан муборакбод қилиб, совға олиб бормоқ. *Чақалоқни йўқлаб бормоқ.* ■ *Юсуф амаки бот-бот келар, қизи қатори мени ҳам совғалар билан йўқлаб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**3** Бирор нарса ёки кимсани истаб суриштирмоқ, ахтармоқ, сўрамоқ. *Мирзакаримбой шубҳа билан боқиб сўради: -Келинг, кимни йўқлаб келдингиз бу ерга?* Ойбек, Танланган асарлар. *Бек инқилоб бўлган йили Раҳим домлани йўқлаб, мачитга келганини.. эслади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**4** Эсламоқ, ёдга олмоқ. *Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?* Машраб. *Биз уларни йўқласак, улар бизни эслайдилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши.* Муқимий. -*Катта қиз бўлиб юрибсизми?* -*Шукур..* *Ҳозиргина йўқлаб турган эдик-а.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**Ўрни йўқланди** Йўқлиги билиниб, сезилиб турди. *Элмурод Рашиднинг олдидан қайтгач, ортиқча қайғурмасам ҳам, нима учундир уч-тўрт кундан кейин унинг ўрни йўқланди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЙЎҚЛАНДИ** шв. айн. **йўқлов 2,3.**

**ЙЎҚЛИК 1** Йўқ ҳолат, йўқ эканлик. *Шошма, даданг йўқлигида сен.. билан гаплашиб олай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пирнафас акангизнинг йўқлигини билдиришмаяпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 айн. **йўқчилик**. Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажанглик тугдирар, муомалада пардани кўтарарди. М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси. *..йўқлик уни ўзидан катта таёқ судраб, кўй боқишга мажбур қилган эди.* Газетадан.

3 Ҳаёт, бирор нарса мавжуд бўлмаган макон, ҳолат. *Ҳамма нарса унутилди, еру кўк, замин у замон йўқлик қаърига бир лаҳзада сингди-кетди.* К. Яшин. Ҳамза. Абас, йўқликларга кетди жаҳолат, Асримиз уфқида у мисли рўё. А. Орипов.

4 флс. Мавжуд эмаслик; зид. **борлик**.

**ЙЎҚЛОВ** 1 Йўқлаш иши, хатти-ҳаракати.

2 Маълум муносабат билан қўлаш ёки ҳол-аҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўстанишларнинг бир-бирлариникига боришидан иборат маросим, одат. *Яна битта зарур йўқлов чиқиб қолди, хотин.* Файратий, Довдираш. *Бу хотин, қачон қарасам, тўёна, йўқлов ташвишида юради.* М. Алавия, Тўйларимиз ҳақида.

3 этн. Шундай юришда (бориш-келишда) олиб бориладиган нарса (тугун, тоғора ва ш. к.). *Йўқлов тоғорасини кўтарган Санобархон билан отарчилар аллақачон куён бўлган эдилар.* Файратий, Довдираш.

4 этн. Марҳумларни эслаб айтиладиган (йиғланадиган) аза тўртликлари, шундай йиғи. *Бунга йиғи-йўқловлар ва мотам ёр-ёрлари киради.* «ЎТА».

**ЙЎҚЛОВЧИ** Йўқлаб борувчи шахс.

**ЙЎҚОЛМОҚ** Йўқлик касб этмоқ, мавжудлиги барҳам топмоқ; йўқ бўлмоқ. *Сайёрамизда қанча тоғлар йўқолиб, яна қанча янгилари пайдо бўлди.* «Фан ва турмуш». *Сув қуриб, Қўштегирмон аллақачон йўқолиб кетган, оти қолган, холос.* А. Мухтор, Опасингиллар.

2 Мавжуд жойини тарк этмоқ, йўқ бўлмоқ. *Уйда тутун йўқолган бўлса-да, аччиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Омоннинг юзидаги табасум йўқолди, ўйлашиб, жиддий оҳангда гапирди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Кўздан йўқ бўлмоқ, кўринмайдиган ҳолат касб этмоқ; йўқ бўлмоқ. *Арғимчоқ учгандай, болалар сувда баланд-наст бўлиб, гоҳ йўқолиб, гоҳ қўришиб, орқага қайтишарди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қора Аҳмад бир хужрага кириб, узоқ вақт йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бор-йўқлиги, кимда, қаердалиги номаълум ҳолат касб этмоқ; йўқ бўлмоқ. *От йўқолди. Пул йўқолди. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. ■ *Қизим йўқолди. Қаёққа учди, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 с.т. Кетмоқ. *Ҳартугул, бу кун уйига йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ЙЎҚОТИШ** 1 **Йўқотмоқ** фл. ҳар. н. Ёввои *ўтларни йўқотиши.* *Имкониятни йўқотиши.* ■ *Уламоларимизда ҳам айб кўп, бидъат ишларни йўқотиши ўрнига, уларни ҳимоя қиладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишдаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда йўқотиши..* Газетадан.

2 Тегишли ва муҳим (зарур) нарса ёки кимсасидан айрилиш. *Яхши одам қишлоқдан кетса, катта йўқотиш ҳисобланади.* Газетадан. *Саодат.. бу — бошланиши эканлигини, бундан-да оғирроқ.. йўқотишлар юз беришини ҳали билмасди.* «Ёшлик». *Бу жудоликлар, йўқотишлар Холматжон қалбиде ҳеч ўчмас доғ, армону афеус бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ЙЎҚОТМОҚ** 1 Йўқ қилмоқ. *Буларни тагтуғи билан йўқотмагунимизча, бизга тинчлик йўқ.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Муайян мақсадга монелик қиладиган тўсиқни олиб ташламоқ; барҳам бермоқ. *Саводсизликни йўқотмоқ.* ■ *.. турмушимизда бир қадар ислоҳ юзга чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ихтиёрсиз ҳолда тегишли нарсасини йўқ қилмоқ, назар-эътиборидан қочирмоқ. *Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.* Мақол. ■ *..устод Қавом, Нажмиддин кетганидан сўнг, кўнгли бум-бўш бўлиб қолиб, бир нимасини йўқотган одамдек гангиб юрди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 кўчма Ажралмоқ, маҳрум бўлмоқ; айрилмоқ, жудо бўлмоқ. *Гуландом ёлғиз гўзалгина эмас, балки ақли ва инсоний ғурурини ҳали жилла йўқотмаган хотин каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жангда ўз сафдошларидан бир нечасини йўқотди.* Газетадан.

5 Кучдан қолмоқ, йўққа чиқмоқ. *Қонуннинг 26-моддаси ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.*

**Ақлини** (ёки эсини, хушини, эс-хушини) **йўқотмоқ** Тўғри фикрлаш, англаш ҳолатини йўқотмоқ, гангиб қолмоқ. *Темиржон эса қадаҳ уриштириш у ёқда турсин, ақлини йўқотиб, нима бўлаётганига ҳам тушунмас, хомиш ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

-Вой, эсим қурсин, сизларни кўриб, эсимни ҳам йўқотиб қўйдим, — деди онаси ташқарига интилиб. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бир лаҳза эс-хушини йўқотиб, эсанкираб турди-да, кейин.. К. Яшин, Ҳамза. **Гапини** (ёки **сўзини**) **йўқотмоқ** Гап-сўзидан адашмоқ, нима гапиришни билмай қолмоқ. *Йигит гапини йўқотиб чайналди. Қизга, ялингандек, жавдираб қаради. С. Аҳмад, Уфқ. Нотиқ.. «тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди. А. Қаҳҳор, Нотиқ. Ўзини йўқотмоқ* Бирор иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. да метёрий ҳолатини йўқотмоқ, гангиб, эсанкираб қолмоқ. *Ўзларини йўқотиб қўйган дуохон-доялар бу салобатли кишини кўриб, турган жойларида қотиб қолдилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Қасам руҳи билан ғайратланиб келган йигит бу ердаги аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**ЙЎҚСА** *шв.* Акс ҳолда, бўлмаса. *Тезроқ юринг, йўқса, кечикиб қоламиз. ■ Уқиб бераман, рози бўлсангиз — шундай, йўқса, аслича босилар. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳиндистонга қўшни ва дарвоза бўлган мустамлакадаги сиёсатга тўқис-туғал обрў таъмин этилган бўлиши керак. Йўқса, натижа ёмон. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**ЙЎҚСИЛ** *эск.* Камбағал, қашшоқ; муҳтож. *Аммо жафо чекар бахт деб ғарбдаги Ишислар, гадолар, йўқсиллар, хорлар. Уйғун. Меҳнатдан бошқа ҳеч нарсани билмаган бу йўқсил йигитнинг қандай зўр талаблари бўлар эди дейсиз. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**ЙЎҚЧА** *шв.* Ниҳоятда кам, жуда оз; озгина, йўқдек. *Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур. Мақол. ■ Йўқча майиз тополмай, Куёв қочди, ёр-ёр. «Оқ олма, қизил олма».*

**ЙЎҚЧИ** *шв. фольк.* Йўқловчи, сўровчи, қидириб изловчи. *Дарвозага келиб турган ёш ўғлон, Йўқчимисан, йўқлаганинг бормиди? «Тоҳир ва Зуҳра». Шу галага бизнинг бир моя келган, Моянинг йўқчиси, нори бўламан. «Ал-помииш».*

**ЙЎҚЧИЛИК** Иқтисодий танқислик, етишмовчилик; камбағаллик, муҳтожлик. *Унинг бутун гавдасида оғир машаққат, изтироб, йўқчилик ва бошқа кулфатлар билан тўла бир умрнинг изларини жуда яққол кўриш мумкин эди. Ойбек, Танланган асарлар. Элжорт бошига тушган даҳшатли уруш туфай-*

*ли йўқчиликка бардош бераётган қанчадан-қанча халқ қатори чидам билан ишларди. Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.*

**ЙЎҒИРМОҚ** *шв.* Аралаштирмоқ, қўшмоқ. *Ёлғонни ҳам боппаяпти: чин ақидаларга йўғириб гапирётгани учун сўзлари ишонарли чиқяпти. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Қулмурод бир оз сув ва сут қўйиб, устига халтадаги ундан тўрт-беш қўш ҳовуч солиб йўғира бошлади. С. Айний, Қуллар.*

**ЙЎҒОН 1** Кўндаланг кесими қатта. *Йўғон терак. Йўғон арқон. Йўғон ичак. Йўғон чўзилди, ингичка узилади. Мақол. ■ У айвоннинг йўғон устунига текилиб турарди.. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. Шербек, йўғон бир жуфт қамчидай сочи тақимга тушган Нигора.. кўздан ғойиб бўлгунча, алам ичида текилиб турди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**2** Дўриллаган (овоз ҳақида). *Унинг эгаси Маликахон баланд бўйли, овози ҳам эркакларнинг овозидек йўғон, сатангамо хотин эди. С. Зуннунова, Гулхан. Буни билмаган, балки билгиси ҳам келмаган Қўлмат қора эса, гўр ичидан гапиргандай, наст ва йўғон овоз билан давом этди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**3** кўчма Шакл, миқдор ва б. жиҳатлардан қатта; салмоқли, салобатли. *Йўғон одам. ■ Уликни кўмиб келиш қийин эмас, лекин йўғон чиқимлари кейин чиқади, биласанлар. Ойбек, Танланган асарлар. [Комил:] Э, ҳали кўп беллашамиз. Ишинг йўғонлари энди чиқадиганга ўхшайди. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.*

**ЙЎҒОНЛАШМОҚ** Йўғон бўла бормоқ. *Овози йўғонлашмоқ. Ниҳолнинг танаси йўғонлашди. ■ Муҳаммадражаб семирган, йўғонлашган. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ЙЎҒОНЛИК** Кўндаланг кесим даражаси, қатталиқ. *Йўғонлиги бир метр келадиган чинор. ■ [Йўлчининг] Икки қоши ўртасидан бир томонга кирган томири ўрта бармоқ йўғонлигида бўртиб чиқди. Ойбек, Танланган асарлар. Шу вақт нарироқдаги беш қулочча йўғонликда бўлган азим қайрағочда чумчуқлар қулоқни битиргудай қаттиқ чирқиллашиб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ЙЎҒРИЛМОҚ 1** **Йўғирмоқ** фл. мажҳ. н. *Сутга йўғрилган қулча.*

**2** Қўшилиб, аралашиб кетмоқ; мужасамланмоқ. *Уларнинг [Аброр билан Чиннихоннинг] муҳаббатини соф дўстона ҳурмат туйғулари билан йўғрилган эди. П. Қодиров, Қалбадаги қуёш.*